Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2015 йил
30 май
ШАНБА
№ 42-43 (12782-83)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Ёшларга оид давлат сиёсати – амалда

БИЗ – БУЮК ЮРТ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ!

25-27 май кунлари вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 24 йиллиги муносабати билан "Биз – буюк юрт фарзандларимиз!" шиори остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди.

Республика Президентининг "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Васийлик кенгаши йиғилиш баённомаси асосида ташкил этилган фестиваль давомида "Оммавий маданият ва ёшлар маънавияти", "Депутат ва ёшлар", "Президент асарлари билимдони", "Замонамиз қаҳрамонлари", "Интернет ва ёшлар" каби 14 лойиҳа доирасида 70 дан ортиқ учрашув, акция, тарғибот тадбирлари ва спорт ўйинлари ўтказилди. Унда вилоятимизнинг 60 мингга яқин ёшлари иштирок этишди.

– Бекобод ва Чирчиқ шаҳарлари ҳамда Бўка ва Қуйи Чирчиқ туманларида "Ҳоким ва ёшлар" учрашувларини ўтказдик, – дейди "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши маънавий-маърифий лойиҳалар бўлими мудири Дилором Абдуғаффорова. – Унда иштирокчилар ҳокимларига ҳудудларида мавжуд ёшлар билан боғлиқ муаммо ва таклифлари билан мурожаат қилишди.

(Давоми 2-бетда).

Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллиги олдидан

ЭРИШАЁТТАН ЮТУҚЛАРИМИЗ – ЎЗБЕКИСТОН ҒАЛАБАСИДИР

Бугун турли соҳаларда юксак муваффақиятларни қўлга киритиб, Ватанимизни жаҳон миқёсида шонш-шарафларга буркаётган минглаб истеъдодли ёшларимизнинг қалб сўзлари бу!

...Ўтган асрнинг саксонинчи йиллари охири. Инсонга ҳар томонлама камол топиши, шахс сифатида ривожланиши, ўзини намоён этиши учун зарур бўладиган моддий воситалар у ёқда турсин, ҳатто энг оддий шароит ҳам йўқ. Қоронғу, рутубатли, ҳазин тунларга уланаётган файзсиз, тароватсиз, нурсиз кунлар одамларнинг эртанги кунга ишончини тобора еб битираётган оғир йиллар...

...Минг тўққиз юз тўқсонинчи йил, учинчи август. Тошкент. Йирик анжуман. Президентимиз Ислом Каримов маъруза қилади. Республика раҳбари ўз нутқида барча соҳалар қатори таълим тизими ҳам бутунлай издан чиққани ва ўқув муассасалари ачинарли аҳволга келиб қолганини аниқ рақам ва далиллар асосида қайд этади. Мазкур муаммоларни ҳал этиш борасида фикр-мулоҳазаларини баён этар экан, Президентимиз бундай дейди: Бизга кадрлар тайёрлашнинг махсус миллий дастури керак. Бу дастур умумтаълим мактабларида дарс бериш сифатини ҳар томонлама юксалтириш, энг истеъдодли болалар учун мактаблар очиш, юқори малакали мутахассислар тайёрлаш учун чет эллардаги энг яхши марказларга ёшларни юбориш тизими каби устувор вазифаларни ўзида мужассам этиши лозим.

Бу ғоя илгари сурилганига йигирма беш йил бўлди. Вақт бир ерда тўхтаб турмаганидек, қоронғу кунлар кетидан ёруғ кунлар келди. Халқимизнинг асрий орзуси ижобат бўлди – юртимиз мустақилликка эришди. Президентимизнинг узоқни кўзлаб юритган оқилона сиёсати боис элнинг қадди тикланди, қадри юксалди.

(Давоми 3-бетда).

Маҳмуд ТОИР

ҚУВОНЧ

Набирам Шукуруллоҳга

Завқнинг шакли бўлиб туғилган бола,
Бахтнинг жарангидек парвоз беради.
Йўргакларин ёриб янграган нола
Оппоқ тилакларда овоз беради.

Эй сен, бу дунёнинг кўҳна қулфини
Жажжи қўлларида қоққувчи гўдак.
Ҳали билмай туриб яшаш урфини,
Чинқириб дунёга боққувчи гўдак.

Хуш келдинг ҳаётга, қадам муборак,
Киндик қонинг томди гўзал тупроққа.
Шукру тиловатда қилинар тилак,
Азонда айтилар исминг қулоққа.

Энди сен дунёда ашрафи аьло,
Тафаккур соҳиби, муборак зотсан.
Ўзи паноҳида асраса Худо,
Оқилсан, орифсан, одамий зотсан.

Ташаббус – 2015

РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИ БОШЛАНДИ

Ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказилаётган "Ташаббус" кўрик-танлови кичик бизнес ва тадбиркорлик янада ривожланишига, ёш ҳунармандлар сафи кенгайишига хизмат қилаяпти. Зеро, Президентимиз таъкидлаганларидек: "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бугунги кунда жамиятимиздаги ижтимоий ва сиёсий барқарорликнинг кафолати ва таянчига, юртимизни тараққиёт йўлидан фаол ҳаракатлантирадиган кучга айланиб бормоқда".

Пойтахтдаги "Туркистон" саройида "Ташаббус – 2015" кўрик-танловининг республика босқичи бошланди. Дастлаб, ҳудудий босқичлар ғолибларига диплом ва иштирокчининг кўкрак нишонини тантанали топшириш маросими ўтказилди. Шунингдек, уларга "Ташаббус – 2015" кўрик-танлови ташкилий қўмитасининг махсус папкаси ва республика Президентининг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" китоби совға қилинди.

"Ташаббус – 2015" кўрик-танловининг шаҳар, туман босқичларида 2538 тадбиркор, 1500 дан ортиқ фермер ва 2200 га яқин ҳунарманд маҳсулотлари билан иштирок этди. Улардан 41 нафари республика босқичига йўлланма олди.

– "Ташаббус"да илк бор қатнашаяпмиз, – дейди Қибрай туманидаги "SALAR-NURIDDINOV PAHRIDDIN" фермер хўжалиги раҳбари Фахриддин Нуриддинов. – Етиштирган маҳсулотингни намойиш этишнинг завқи бўлакча экан. Бундай кўрик-танловлар биз фермерларга тажриба алмашиш, том маънода иш ўрганиб, уни оммалаштириш имконини беради.

Фахриддин Нуриддинов раҳбарлик қилаётган фермер хўжалиги сабзавотчилик йўналишида Германия, Туркия, Россия, Латвия давлатларида ўтказиладиган халқаро ярмарка-ларда мунтазам иштирок этиб келмоқда.

Бекободлик ҳунарманд Мавлуда Андаевани нафақат вилоятимиз, балки республикада кўпчилик яхши билади. У маҳалласидаги 20 га яқин хотин-қизларни атрофига йиғиб, миллий каштачилик сирларини ўргатаяпти.

– Ишга янгилик киритиш мақсадида аёлларнинг кашта билан безатилган пойабзаллари ва сумкалар тайёрлашни йўлга қўйдик, – дейди Мавлуда Андаева. – Бу хорижий ишбилармонлар қизиқишини оширди.

Ирода НОРБОЕВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.
Қобилжон ҒОФУРОВ олган сурат.

2015 йил – Кексаларни эъзозлаш йили

ФАХРИЙЛАРГА ЭҲТИРОМ ВА ҒАМХЎРЛИК

Қибрай туманидаги Оққовоқ қишлоқ фуқаролар йиғини Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан ишлаб чиқилган дастурга мувофиқ, ҳудуддаги "Ботаника", "Оқ олтин", "Ёшлик" маҳаллаларида истиқомат қилаётган уруш ва меҳнат фахрийлари учун Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарлари тарихий ёдгорликлари ва табаррук қадамжоларни зиёрат қилиш мақсадида уч кунлик саёҳат уюштирди.

– Саёҳатдан оламолам таассуротлар билан қайтдик, – дейди меҳнат фахрийси Меҳри ая Шукурова. – Зиёрат давомида нафақат тарихий ва маданий меросимизни, балки мустақиллик йилларида амалга оширилган улкан бунёдкорлик, ободончилик ишлари билан ҳам танишиб, қалбимиз фахр-ифтихорга тўлди. Буларнинг ҳаммаси юртимиздаги тинчлик ва осойишталикнинг шарофатидир. Биздек кексаларини эъзозлаётган, эҳтиром ва ғамхўрлик кўрсатаётган давлатимиз раҳбарларидан миннатдормиз.

Юлдузхон МУҲИДДИНОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

Истиқлол иншоотлари

ҲАДЕМАЙ ТОҒЛАР ОША ПОЕЗДЛАР ҚАТНАЙДИ

"Тошкент – Ўш" халқаро автомагистралининг Тянь-Шань тоғлари бағридан ҳар қандай фаслда ўтган кишини атрофдаги бетимсол гўзаллик, айниқса, кенг кўламда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари қайта-қайта ҳайратга солади. Осмон билан бўйлашган қорли чўққилардан ҳали ҳамон қишнинг ўткир нафаси келиб турсада, шўх Оҳангарон дарёси тўлиб-тошаётган сойликда авжи кўклам. Йўл-йўлакай дарё ўзани устидан ўтган темир йўл излари, баланд ва жозибадор кўприкларни кўриб, бунёдкорлар салоҳиятига тасаннолар айтасиз.

Темир йўл қурилишида ишлаётган қудратли замонавий техникаларнинг сон-саноғи йўқ. Одамларнинг қўли-қўлига тегмайди, улар асримизнинг шундай буюк қурилишига ҳисса қўшаётганидан бахтиёр, шижоатлари баланд. Улкан қурилишдаги махсус участка бошлиғи Баҳром Хуррамов билан суҳбатлашдик.

– Темир йўллар институтини тугатганман, – дейди у. – Мана, саккиз йилдирки, катта-катта темир йўл қурилишларида қатнашаяпман. Эндиликда тажрибамиз ортиб, асосий ишларнинг ҳаммасини ўзимиз маромига етказиб адо этаяпмиз. Мустақиллик йилларида темир йўл қурилишининг янги авлоди етишиб чиқди ва ташаббусни ўз қўлига олаяпти. Муҳтарам Юртбошимиз ташаббуси билан бошланган "Ангрен – Поп" темир йўли қурилиши эса барча мураккабликларга қарамай, жадал ва қатъий режа бўйича бораяпти. Ҳадемай, тоғлар оралаб поездлар қатнай бошлайди. Ватанимиз куч-қудратини, салоҳиятини бутун жаҳонга яна бир карра намоён этадиган ўша кунлар яқин.

(Давоми 2-бетда).

Бу ҳақда вилоят ҳокимлик соатларида гапирилган эди

ЮРГАН ЙЎЛИНГИЗНИНГ ЧЕТИГА ҚАРАНГ...

Ҳамкасбим Сергей Мутин билан Бекобод шаҳрига хизмат сафарига йўл олдик. Кенг автотрассанинг икки томонидаги бепоён далаларда барқ уриб ривожланаётган бўғдою ғўза майсалари кўзни қувонтиради. Бу манзаралардан баҳридилимиз очилиб, суҳбатлашиб борарканмиз, Сергей кутилмаганда сўраб қолди:

– Даврон ака, Тошкент – Бекобод йўлларида кўп юргансиз, йўл четига ҳеч эътибор берганмисиз?

Бу гапдан сергак тортиб, бораётган йўлимизнинг икки томонига диққат билан разм сола бошладим. Бўка ва Бекобод туманларининг айрим ҳудудларидаги йўналиш кўрсаткичлари, йўл белгилари вақт ўтиши билан қуёш нури, қор-ёмғир таъсирида сарғайиб, баъзилари занглаб, бўёқлари ўчиб, яроқсиз ҳолатга келган. Майли, бунга табиат айбдор бўла қолсин. Аммо, шундай белгилар ҳам бор эканки, кимдир атайлаб букиб кетган, кимдир умуман улоқтириб юборган.

Йўл олис, кун иссиқ эмасми, бирор чанқовбосди ичимлик олиш мақсадида дўконларга кирмоқчи бўлдик. 10 дан ортиқ бекатдаги дўконлар ёпиқлиги бизни ажаблантирди. Ўргимчаклар эшик ва ромларга уя қўйган, йўловчилар учун қўйилган ўриндиқлар синган ёки умуман йўқ, ён-атроф ифлос, эгаси анчадан бери қадам қўймаган.

(Давоми 2-бетда).

Ёшларга оид давлат сиёсати – амалда

БИЗ – БУЮК ЮРТ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ!

Учрашув, айниқса ёшларнинг "Бизга бой китоблар хазинаси ва моддий-техник базасига эга замонавий кутубхона керак" деган талабини ҳокимларнинг қўллаб-қувватлаши баробарида, уларнинг китоб мутолаасига қизиқишлари ортиб бораётганининг ёрқин ифодаси сифатида ҳам муҳим аҳамият касб этди.

Шунингдек, "Биз – соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз!" лойиҳаси доирасидаги спорт мусобақаларида энг чекка қишлоқ ёшлари ҳам қамраб олинган бўлса, "Нуронийлар эъзозимизда" лойиҳасида таниқли санъат ва маданият номоёндалари билан бирга ёшлар 360 дан ортиқ уруш ва меҳнат фахрийлари ҳамда 200 га яқин ёлғиз яшовчи қариялар ҳолидан хабар олишди.

Ёшларни ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий ислоҳотлар, ҳаётимизда рўй бераётган демократик ўзгариш ва янгиланишлар билан таништириш, уларда дахлдорлик туйғусини кучайтириш орқали турли зарарли иллатлар таъсиридан асраш, Ватанга муҳаббат ва миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш мақсадида ташкил этилган фестивалнинг якуний гала-концерти Бекобод шаҳридаги "Металлург" спорт соғломлаштириш мажмуасида уюштирилди.

Тантанали маросимда фан, таълим, санъат, маданият ва спорт каби йўналишларда муваффақиятларга эришаётган вилоятимиз ёшлари, барча таълим муассасаларининг фаол ва иқтидорли ўқувчилари ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолларидан иборат 13 мингга яқин ёшлар жамулжам бўлдилар.

Фестиваль иштирокчиларини вилоят ҳокими Аҳмаджон Усманов турли соҳаларда эришаётган муваффақиятлари билан муборакбод этар экан, Президентимиз раҳнамолигида ёшларни ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлод қилиб тарбиялаш йўлида амалга оширилаётган изчил ишлар юксак самаралар бераётганини таъкидлади. Ёшларимиз келгусида бунданда юқори марраларни забт этишларига тилак билдирди.

Вилоятимизда ўтган йилнинг ўзида 52 та мактаб, 24 та касб-ҳунар коллежи, 20 та шифохона ва 28 та болалар спорт иншоотларида қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди. Шунингдек, 5 та соғлиқни сақлаш муассасаси, 9 та болалар спорт иншоотлари ҳамда 5 та мусиқа ва санъат мактаблари янгидан қуриб, фойдаланишга топширилди. Бунга жавобан вилоятимизнинг 300 га яқин ёшлари спорт бўйича Жаҳон, Осиё ва мамлакатимиз чемпиони, 16 нафари Зулфия, 10 нафарга яқини "Ниҳол" давлат мукофотлари, 6 нафари "Шуҳрат", яна 10 нафарга яқини "Ўзбекистон белгиси" кўкрак нишони совриндори, 4 нафари эса Менделеев халқаро фан олимпиадаси ғолиби, 20 нафари "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати танловларининг республика босқичи ғолиби экани барчамизнинг қалбимизга чексиз ғурур ва ифтихор бахш этади.

– Бу каби фестивалларда биз қатори ёшларни янада жипслаштириб, эзгу ғоялар атрофида бирлаштиради, – дейди "Шуҳрат" медали соҳибаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Бекобод туман кенгаши мутахассиси Муҳайё Шамсиддинова. – Она Ватанимизга, халқимизга, касбимизга муҳаббатимизни ошириб, дахлдорлик ҳиссимизни кучайтиради.

Эстрада юлдузларининг мусиқий чиқишлари фестиваль иштирокчиларига кўтаринки руҳ бағишлади.

Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.
Даврон АҲМЕДОВ,
Қобилжон ҒОФУРОВ
олган суратлар.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида Тошкент шаҳри ва вилояти ёш олимлари ва талабаларининг "XXI аср – интеллектуал авлод асри" шиори остида ҳудудий конференцияси бўлиб ўтди.

XXI АСР – ИНТЕЛЛЕКТУАЛ АВЛОД АСРИ

Университет ректори Ғ. Муҳамедов, "Истеъдод" жамғармаси ижрочи директори А. Пардаев, олий ва ўрта махсус таълим вазири ўринбосари Б. Усмонов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда фан ва технологияларни модернизация қилиш борасида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар самарадорлигини ошириш, барча соҳани ривожлантиришга ёшларни кенг жалб этиш, мураккаб ва кенг кўламли вазифаларни ҳал этишга қодир бўлган билимли, етук ёш олимларни тарбиялаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Замонавий маданият, иқтисодиёт, фан, техника ва технология ютуқлари асосида кадрлар тайёрлашнинг мукаммал тизимини шакллантириш, ёшларнинг илмий салоҳиятини юксалтириш, тафаккури ва дунёқарашини бойитиш, рақобатбардош мутахассисларни тарбиялаш, ёш олимларнинг инновацион ғоя ва ишланмаларини амалиётга татбиқ қилиш борасида самарали ишлар олиб борилмоқда.

Конференцияда Тошкент шаҳри ва вилоятида жойлашган олий таълим, илмий-тадқиқот муассасалари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг икки юзга яқин ёш олимлари ва иқтидорли талабалари ижтимоий-гуманитар, табиий, аниқ ва техника фанлари бўйича ўзларининг илмий изланишлари натижалари юзасидан ўзбек, рус ва инглиз тилларида маъруза қилди. Бу уларнинг нафақат ўз илмий йўналиши, балки хорижий тилларни мукаммал эгаллаш борасида ҳам ютуқларга эришаётганлигидан далолат беради.

Маърузаларда таълим тизимини янада ривожлантириш, ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилишни кенгайтириш, янги ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш, туризмни ривожлантириш, энергия ресурсларини тежаш, муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, қурилиш соҳасида янги технологияларни қўллаш, қишлоқ хўжалигида ҳосилдорликни ошириш каби мавзулар бўйича фикр юритилди.

Н. НАСРИЕВ,
ЎзА мухбири.

Маҳалла ҳаёти

Зангиота туманидаги "Соҳибкор" маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Ҳикмат Қоплонбеков кундалик фаолиятида фаоллар кўмагига таяниб иш юритади.

ЁШЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

– Айниқса, ёшлар билан ишлашга катта эътибор қаратяпмиз, – дейди у. – Ҳар бир ёшнинг ўз фикр доираси, қизиқиш ва интилиши бўлади. Шуларни ҳисобга олиб, чора-тадбирлар ишлаб чиққанмиз. Маҳаллада битта боғча, битта мактаб, 3 та болалар ўйингоҳи ва ўқитиш, ўргатиш марказлари болалар хизматида. Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан 50 га яқин қарияларимизни Самарқандга зиёратга олиб бордик. Қолаверса, маҳалладаги қаровчисини йўқотган отахон ва онахонларнинг ҳолидан мунтазам хабар олиб, амалий кўмак бериб турамиз.

Муқаддас ИСРОИЛОВА.
Азамат АҲМЕДОВ
олган сурат.

Истиқлол иншоотлари

ҲАДЕМАЙ ТОҒЛАР ОША ПОЕЗДЛАР ҚАТНАЙДИ

Яп-янги, оппоқ "Орзу" вокзали виқорли тоғлар бағридаги улкан қурилишга узукка кўз қўйгандай жуда ярашган. Бир йўла юз йўловчига хизмат кўрсатувчи бу вокзал қисқа муддат – беш ой ичида қурилди ва фойдаланишга топширилди.

– Вокзал жаҳон андозалари даражасида сифатли қурилиш материлларидан бунёд этилди, – дейди иш юритувчи Нуриддин Саиджонов. – Дизайни ҳам бўлакча. Асосий залга улкан қандил ўрнатилди. Бу ерда йўловчилар учун зарур ҳамма шарт-шароит муҳайё. Тиббиёт, дам олиш хоналари, ногиронлар учун имкониятлар яратилган. Ҳатто, яхши ният билан поездлар қатнови жадвали ҳам аввалдан осиб қўйилди. Яқин келажакда янги халқаро темир йўл орқали дунё билан боғланамиз.

Станция атрофи замон талабига мослаб ободонлаштирилган. Ходимлар учун икки қаватли, тўрт хонадонга мўлжалланган тураржой биноси – янги коттеж қад ростлаган. Асфальтланган катта йўл, кенг йўлаклар, текис майдон ва атрофга мос экилган арча кўчатлари, гулзорлар йўлсозлар меҳнатини кўз-кўз қилиб турибди.

– Мана бу жойда жуда катта сув ҳавзаси бўлади, – дейишди қурувчилар кенг сойликдаги майдонни кўрсатиб. – Дамбалар бунёд этилиб, сувда қайиқлар сузиб юради. Анави ям-яшил тепаликларда гольф майдончалари барпо этилади. Чет эллик сайёҳлар учун замонавий меҳмонхоналар қурилади.

– Ҳозир қурилишда 2800 га яқин ишчи ва мутахассислар икки сменада ишлаяптилар, – дейди "Ўзбекистон темир йўллари" Давлат акциядорлик компанияси капитал қурилиш дирекцияси муҳандис-технологи Шаҳзод Айтжонов. – 2014 йил декабрь ойининг сўнгги кунларигача қурилишнинг Ангрен томонида қарийб 40 километр масофада бурғулаш, портлатиш, тупроқ ишлари бажарилиб, туннелнинг ғарбий порталигача пўлат излар ётқизилган эди. Наврўз байрами арафасигача электр таъминоти ишлари якунланди.

Поп станциясидан туннелнинг шарқий порталигача бўлган масофада ҳам электрлаштириш ишлари жадал бораяпти.

– Аҳоли бу ишлардан беҳад мамнун, – дейди Халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Илҳом Исабеков. – Ҳудудимиз қиёфаси тубдан ўзгариб, ободонлашиб, гўзаллашиб бормоқда. Темир йўл ва автомагистраль ёқаларида сервис ва маиший хизмат, савдо-сотиқ, овқатланиш шахобчалари очилаётгани ҳисобига аҳоли иш билан таъминланмоқда. Шу йилнинг ўзида ўнлаб шундай объектлар очилди.

"Ангрен – Поп" темир йўлини 2016 йилнинг июль ойида фойдаланишга топшириш кўзда тутилган.

Нурали АБДУРАСУЛОВ.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Семинар

МАТБУОТ СЎЗИНИНГ САЛМОҒИ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини, қабул қилинаётган қонунлар ва бошқа муҳим ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни жойларга етиб боришини таъминлашда оммавий ахборот воситалари, хусусан, босма нашрларнинг ўрни ва аҳамияти беқиёс. Мазкур жараёнда вилоятимизда чоп этилаётган турли мулкчилик шаклидаги 60 дан ортиқ газета-журналлар таҳририятлари ижодий жамоалари ҳам фаоллик, ҳозиржавоблик ва ташаббус билан фаолият юритаётирлар.

Кейинги пайтларда газеталарнинг ададидан тортиб, нашр сифати ва мазмун-моҳияти сезиларли даражада юксалиб бораяпти. Таҳририятларда меҳнат қилаётган журналист ва техник ходимларнинг профессионал маҳоратини ошириш, уларга замонавий шарт-шароит, қулай ижодий муҳит яратиб бериш борасидаги ишлар кўлами ҳам кенгайди.

Бу борада вилоят ҳокимлиги, Матбуот ва ахборот бошқармаси ҳамда вилоят журналистлари ижодий уюшмаси томонидан анъанавий равишда ташкил этиб келинаётган амалий семинарларнинг ўрни катта бўлаяпти.

Кеча мазкур ижодий анжуманнинг навбатдаги Зангиота туманининг "Истиқбол" ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририятида ўтказилди. "Давлат бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишда вилоят оммавий ахборот воситалари ролини кучайтириш" мавзуидаги семинарда сўзга чиққанлар бугунги шиддаткор ахборот даврида маҳаллий нашрлар олдида турган долзарб масалалар, улар эришаётган ютуқ ва камчиликлар, ижодий жамоаларда шаклланаётган маҳорат мактаблари, устоз-шогирдлик анъаналари, шунингдек, таҳририят ишини ташкил этишда ҳуқуқий муносабатларнинг бугунги аҳволи ҳақида атрофлича тўхталиб ўтдилар.

Семинар дастури доирасида Зангиота тумани ҳокимлиги муассислигида чоп этилаётган "Истиқбол" газетаси ижодий жамоаси фаолияти таҳлил қилиниб, зарурий тавсиялар ўртага ташланди. Туман ва шаҳар газеталари муҳаррирлари нашрлар мазмун-мундарижасини муттасил яхшилаб бориш бўйича ўз тажрибалари билан фикр алмашдилар.

Қобилжон ҒОФУРОВ
олган сурат.

Саводхонлик

СОЛИҚ БИЛИМДОНЛАРИ БЕЛЛАШУВИ

Тошкент ирригация ва мелиорация институти Маданият саройида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий харакати марказий кенгаши ҳамкорлигида "Солиқ билимдонлари – 2015" кўрик-танлови ўтказилди.

Тадбирда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида солиқ соҳасини эркинлаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар аҳоли фаровонлигини юксалтириш, хўжалик фаолиятини юритиш шартларини яхшилаш ва ижтимоий лойиҳаларни рағбатлантиришга хизмат қилаётгани таъкидланди.

Кўрик-танлов ёшларнинг солиқ қонунчилигига оид билимини мустаҳкамлаш, уларни солиқ сиёсатини янада эркинлаштириш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотларнинг аҳамияти тўғрисида мунтазам хабардор қилишга ёрдам беради.

– Жамоамиз солиқ соҳасига доир қонунлар ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни пухта ўрганди, – дейди Тошкент Давлат иқтисодиёт университети талабаси Шаҳбоз Камолов. – Кўрик-танловда эгаллаган билимимизни ҳаётий мисоллар ва саҳна асарлари ёрдамида намойиш этдик.

Ҳакамлар ҳайъати томонидан иштирокчиларнинг чиқишлари баҳоланишида уларнинг мамлакатимизда шакллантирилган қулай ишбилармонлик муҳити, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун яратилган шарт-шароит, солиқ имтиёз ва преференциялари, истеъмолчилар ҳуқуқлари кафолатлари хусусидаги билимлари муҳим мезон бўлди.

Тадбир якунига кўра, Тошкент давлат аграр университетининг "Агроислоҳотчи" жамоаси ғолиб бўлди. Солиқ академиясининг "Интеллектуал ёшлар" жамоаси иккинчи ва Тошкент молия институтининг "Солиқ билимдонлари" жамоаси учинчи ўринни эгаллади. Ғолиб ва совриндор жамоалар, шунингдек, фаол иштирокчилар диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

М. ҚАРШИБОЕВ,
ЎзА мухбири.

Бу ҳақда вилоят ҳокимлик соатларида гапирилган эди

ЮРГАН ЙЎЛИНГИЗНИНГ ЧЕТИГА ҚАРАНГ...

Баъзи бекатларнинг томини биров ўғирлаб кетганми ёки Бекобод шамоли учириб кетганми, англаш қийин.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Яна бир нарса эътиборимизни тортди. Икки йил муқаддам, ҳар бир фермер ерига туташ йўл ёқасида ўз хўжалигига тегишли маълумотлар ёзилган банерлар қўйиши одат тусига кирганди.

Афсуски, бу банерлар узоқ вақт қаровсиз қолгани учунми, йиртилиб, ўқиб бўлмайдиган ҳолга келган. Баъзи жойларда эса шуниси ҳам йўқ. Қайси хўжалик ҳудудида бораётганингни билмайсан киши.

Туманлар раҳбарлари ўз ҳудудларини кесиб ўтган йўллар четидаги манзараларга бир қараб қўйишса бўларкан.

Даврон АҲМАД.



Ҳисобот йиғилиши

ЧОРАК ЯКУНЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Вилоят фермерлар кенгашида Вазирлар Маҳкамасининг шу йилнинг биринчи чорагида республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифалари ижросини баҳолашга қаратилган йиғилишда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, вилоят фермерлар кенгаши ва унинг қуйи бўғинлари шу йилнинг биринчи чорагида амалга оширган ишлар юзасидан ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда Бекобод, Паркент, Юқори Чирчиқ ва Бўка туманлари фермерлар кенгашларида олиб борилган ишлар мониторинги натижалари ҳақида атрофлича фикр юритилди.

Кўп тармоқли фермер хўжаликлари, интенсив боғ, паррандачилик, балиқчилик ҳамда асаларичиликни ривожлантириш мақсадида фермерларга қулай шарт-шароит яратиш йўл-йўриқлари тўғрисида маърузалар тингланди.

Маҳлиё ИСРОИЛОВА.
Қобилжон ҒОФУРОВ олган суратлар.

Анжуман

Вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида "Хорижий тилларни ўқитишда нутқий кўникмаларни шакллантиришнинг илмий-педагогик ва назарий асослари" мавзуида республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

ОҒЗАКИ НУТҚНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ЭЪТИБОР

Халқ таълими вакиллари, Ўзбекистон инглиз тили ўқитувчилари ассоциацияси, "British Council"нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси масъул ходимлари ва ўқитувчилар иштирок этган анжуманда "Дунё тиллари ва уларнинг хусусиятлари", "Чет тилларини ўқитиш, ўрганиш ва баҳолашда ўқитувчиларга қўйиладиган талаблар", "Ўзбекистонда инглиз тилини ўқитишдаги инновациялар" каби мавзуларда маърузалар тингланди.

– Конференциядан мақсад мактаб ўқувчиларининг оғзаки нутқини ривожлантиришдир, – дейди институтнинг маънавий-маърифий ва илмий ишлар бўйича проректори Нилуфар Йўлдошева. – Бунда бошланғич синф ўқувчилари билимини оширишга алоҳида эътибор қаратилаяпти.

Конференция доирасида иштирокчиларнинг назарий ва амалий ишлари тақдимоти бўлди. Шунингдек, ўқувчиларнинг фанни ўзлаштириш даражаси таҳлил қилинди.

Ирода МАҚСУДОВА.

Хушхабар

«ЭНГ ЯХШИ СТЕНД»

Испаниянинг Мадрид шаҳрида "FITUR – 2015" Халқаро сайёҳлик ярмаркасининг энг фаол иштирокчиларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Унда "Ўзбектуризм" миллий компанияси томонидан намойиш этилган "Буюк Ипак йўли"да жойлашган Ўзбекистон миллий стенди "Энг яхши стенд" номига сазовор бўлди.

"Ўзбектуризм" МКни тақдирлаш давомида ўзбек экспозициясининг сифатли безалгани қайд этиб ўтилди. Бу экспозицияда мамлакатимизнинг бой маданий-тарихий мероси ва сайёҳлик имкониятлари, шу жумладан, жаҳонга донғи кетган Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент, Шаҳрисабз шаҳарлари ҳақида ёрқин иллюстратив материаллар намойиш қилинди. Шунингдек, Ўзбекистоннинг тарихий аҳамиятга эга диққатга сазовор жойларининг сони бўйича дунёда етакчи ўринлардан бирини эгаллаши айтиб ўтилди. Мазкур қадамжолар ЮНЕСКО ҳимоясига олинган объектлар қаторига киради.

"Туркистон-пресс".

Ўқув-машғулот

ШИФОКОРЛАР МАЛАКА ОШИРИШДИ

Бугунги кунда она ва бола саломатлигини таъминлаш, аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, оилавий поликлиника ва шифохоналарнинг моддий-техник базасини яхшилаш, шифокорлар малакасини ошириш масалалари давлат сиёсати даражасига кўтарилди. "Саломатлик – 1", "Саломатлик – 2", "Саломатлик – 3" каби лойиҳаларнинг амалга оширилаётгани тизимдаги сезиларли ўзгаришларга туртки бўлди.

"Саломатлик – 1" ва "Саломатлик – 2" лойиҳаси асосида вилоятимиздаги 248 та қишлоқ врачлик пунктлари замонавий жиҳоз ва асбоб-ускуналар билан таъминланди. Шунингдек, шаҳар, туман тиббиёт бирлашмалари, туғуруқ муассасаларига ҳам зарур ашёлар етказиб берилди.

"Саломатлик – 3" доирасида эса 2018 йилгача тиббиёт бирлашмаларини 700 минг, оилавий поликлиникаларни 70 минг АҚШ долларилик тиббий аппаратлар билан таъминлаш режалаштирилган. Шунингдек, шифокорларнинг назарий ва амалий кўникмаларини бойитиш, ўқув курслари ва узлуксиз касбий таълимга жалб этишга катта эътибор қаратилаяпти. Шу мақсадда "Умумий амалиёт врачлари олган билим ва кўникмаларининг амалиётга татбиқ этилиши мониторинги" мавзуида ўқув-семинар ташкил этилди.

Унда вилоятимиз шаҳар ва туманларидаги тиббиёт бирлашмалари координаторлари иштирок этди. Улар умумий амалиёт шифокорларига педиатрия, терапия, офтальмология каби 9 та йўналишда тушунчалар бердилар ва семинар самарадорлигини мониторинг қилдилар.

Ўқув-семинар баҳс-мунозараларга бой бўлди.

Илмира ЛАЗИЗОВА.

Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллиги олдидан

ЭРИШАЁТГАН ЮТУҚЛАРИМИЗ – ЎЗБЕКИСТОН ҒАЛАБАСИДИР

Давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси ва раҳнамолигида таълим-тарбия тизимидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, таълим стандартлари ва дастурларини такомиллаштириш, мактаблар, лицей ва коллежлар, олий ўқув юртлари қуриш, таъмирлаш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, аҳолининг таълим соҳасидаги салоҳият даражасини ҳар томонлама юксалтириш мақсадида "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида", "Таълим тўғрисида"ги қонунлар, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури ишлаб чиқилди ва ҳаётга муваффақиятли татбиқ этилди.

Бунинг самарасида минглаб замонавий таълим иншоотлари қад ростлади, реконструкция қилинди. Буни сўнгги икки йилда ўқув муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш борасида амалга оширилган ишлар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Маълумотларга кўра, 2013 йилда 28 янги касб-ҳунар коллежи қурилган, 381 умумтаълим мактаби, олий ўқув юртлари тизимидаги 45 объект, 131 касб-ҳунар коллежи ва лицейлар реконструкция қилинган ва капитал таъмирланган. Шунингдек, 55 болалар мусиқа ва санъат мактаби, 112 болалар спорти объекти ва 4 сузиш ҳавзаси фойдаланишга топширилиб, замонавий тарзда жиҳозланган.

Мутахассисларнинг фикрича, жаҳонда интеграция жараёнлари кучайиб, кундалик ҳаётга компьютер технологиялари ва интернет кенг кириб келаётган бугунги шароитда чет тилларни пухта эгалламасдан туриб, порлоқ истиқбол ҳақида ўйлаш кутилган самара бермайди. Шу жиҳат ҳисобга олиниб, Президентимиз қарори билан 2013 йилда таълим-тарбия соҳасида хорижий тилларни янада чуқур ўргатиш тизими жорий этилди ва мамлакатимизда чет тилларни биринчи синфдан ўқитиш йўлга қўйилди.

Барча умумтаълим муассасаларида чет тилларни ўргатиш бўйича 17 мингдан ортиқ ўқув хоналари ташкил этилди. 1-синф ўқувчилари учун чет тиллар бўйича мультимедиа варианти илова қилинган 538 мингдан зиёд рангли дарслик чоп этилди. 2 мингга яқин чет тили ўқитувчиси тайёрланди ва улар 26 мингга етди.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида хорижий тилларни бир хил шароитда ўқитиш, қишлоқ жойларга юқори малакали чет тили ўқитувчиларини жалб этиш мақсадида уларнинг белгиланган ойлик иш ҳақига 30 фоиз қўшимча ҳақ тўланиб, моддий рағбатлантириш тизими жорий этилди.

Ўтган йили 540 дан зиёд таълим иншооти, хусусан, 380 мактаб, 160 дан ортиқ касб-ҳунар коллежи ва академик лицей тубдан янгиланди. Улар 120 миллиард сўмдан ортиқ маблағ эвазига замонавий ўқув-лаборатория ва ишлаб чиқариш ускуналари, компьютер ва мультимедиа воситалари билан таъминланди.

Президентимиз томонидан қабул қилинган 2011-2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизация қилиш дастури доирасида 19 олий таълим муассасасида қурилиш-реконструкция, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича қиймати 230 миллиард сўмлик ишлар амалга оширилди.

Жанубий кореялик ҳамкорлар билан Тошкент шаҳрида Инха университети очилди. Бу ерда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида, биринчи навбатда, дастурий таъминот маҳсулотлари ишлаб чиқиш, ахборот тизимлари ва компьютер тармоқларини бошқариш бўйича халқаро стандартлар даражасида юқори малакали мутахассислар тайёрланади.

Тест синовларига информатика бўйича саволлар киритилди, мутахассисликка оид фанлар бўйича баҳолаш баллари оширилди. Бу олий ўқув юртларига танлаган касбини ҳисобга олган ҳолда, энг яхши тайёргарлик кўрган абитуриентларни саралаб олиш имконини бермоқда.

Булар биргина таълим-тарбия тизимида амалга оширилаётган ишлар ҳақидаги қисқача маълумот, холос. Нега бу рақамларни келтирмоқдамиз? Негаки, шу орқали бундан 25 йил олдинги ҳолатни бугунгиси билан таққослаш, тарозига солиб кўриш имконияти пайдо бўлади. Бу рақамларда чорак аср муқаддам республикамизда илм-фан ва таълим соҳасининг моддий-техник базаси ва кадрлар таркиби ачинарли аҳволга тушиб қолган, бу соҳалар "қолдиқ" принципи асосида молиялаштирилаётган, чунончи, 1700 мактаб биноси авария ҳолатида бўлган бир пайтда Президентимизнинг узоқни ва олижаноб мақсадларни кўзлаб, "...Бизга кадрлар тайёрлашнинг махсус миллий дастури керак" деб, қатъий ишонч билан айтган фикрларининг амалдаги ифодаси кўринади.

Таълим-тарбия ва маънавий-маърифий соҳаларда амалга оширилган бундан тизимли ва изчил ислоҳотлар одамларнинг онгу тафаккури ва дунёқарашини ўзгартирди, фуқароларнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллигини оширди, эртанги кунга бўлган ишончини мустаҳкамлади.

Бугун истиқлол иншоотларида замонавий стандартлар асосида таълим-тарбия олаётган ёшларимиз халқаро миқёсда ташкил этилаётган турли фан олимпиадалари, кўрик-танловлар, мусобақа ва фестивалларда ўзларининг ноёб истеъдод ва улкан салоҳиятларини тўла намоён этиб, юксак марраларга эришмоқда.

Шуларни ёза туриб, ўзининг ақл-заковати, билим-тафаккури, ғайрат-шижоатига ва, энг муҳими, тоғдек таянчи – Ватанига суяниб, маррани баланд олиб яшаётган ёшларимизнинг оламшумул ютуқлари туйқус ёдимизга тушди.

Уларнинг ҳаёт йўли ва истиқбол режалари хусусида тафсилотга берилмаймиз. Шунчаки, бугун сизу бизнинг орамизда – ўқишда, ишхонада, кўчада ёнма-ён юрган иқболи баланд ёшларнинг айримларини санаб ўтамиз, холос. Ўзбек тилида сўзлаша оладиган робот яратган Олимжон Тўйчиев, Халқаро шахмат федерацияси (ФИДЕ) томонидан Халқаро гроссмейстер унвонига сазовор бўлган биринчи ўзбек қизи Нафиса Мўминова, бир мусобақада бир йўла учта олтин медални қўлга киритиб, ўзининг ноёб истеъдоди билан мухлису мутахассисларни ҳайратга солган, шахмат бўйича жаҳон чемпиони Исломбек Синдоров, "тафаккур гимнастикаси" ихлосмандлари томонидан "Донолар ўйини пешқадами" сифатида эътироф этилаётган Нодирбек Абдусатторов...

Кўплаб буюк аждодларимиз бутун дунёда ўзларининг турли соҳалардаги тенгсиз кашфиётлари билан шуҳрат қозонган. Президентимиз таъбири билан айтганда, "Қадимий Ўзбекистон замини кўп асрлар давомида фан ва маърифат ўчоғи, жаҳон цивилизацияси марказларидан бири бўлиб келган, илму маърифатга интилиб яшаш эса халқимиз менталитетининг ажралмас қисмига айланиб кетган".

Ҳар қандай истеъдоднинг юзага чиқиши, салоҳиятнинг намоён бўлиши учун муайян шароит ва имконият зарур. Ахир, ерга қадалган ниҳолнинг ҳам униб-ўсиши, ҳосил бериши учун алоҳида парвариш, меҳр кўрсатиш талаб этилади-ку?! Истиқлолдан илгари юртимиз ёшлари ана шундай меҳр, эътибор ва парваришдан мосуво эди. Бошқача айтганда, истеъдодни юзага чиқариш учун майдон, юксак парвоз учун қанот бўлмаган.

Оққан дарё оқаверади. Бугун ўзининг ноёб истеъдоди ва улкан салоҳияти билан дунё аҳлини лол қолдираётган, жаҳон илм-фани, ишлаб чиқариш, маданият, санъат ва спорт оламига дадил кириб бораётган, ўз ўрни, ўз мустақил фикри, ўз овозига эга ёшларимизни номма-ном санайверсак, адоғига етолмаймиз. Боиси, улар кўп, жуда кўп.

Буни мамлакатимизда биргина мусиқа таълими ривожи йўлида амалга оширилаётган изчил ишлар, шу йўналишда буюк аждодларимизга муносиб авлод бўлиш учун интилаётган ёшларимиз эришаётган ютуқлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Президентимизнинг 2008 йил 8 июлда қабул қилинган "Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида"ги қарорига мувофиқ шу йилларда 136 болалар мусиқа ва санъат мактаби барпо этилди, 142 таси капитал реконструкция қилинди ва таъмирланди. Умуман, 278 шундай муассасада қурилиш-тиклаш ишлари бажарилди.

Бугун ушбу даргоҳларда саккиз минг етти юздан зиёд малакали ўқитувчи ва мураббий 57 мингга яқин ўғил-қизга миллий ва жаҳон мусиқа асбоблари, анъанавий хонандалик, тасвирий ва амалий санъат каби 14 йўналиш бўйича сабоқ бераётир.

Ёш иқтидор соҳибларини аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш, уларни юксак ижодий парвозлар сари руҳлантириш борасида амалга оширилаётган бундай кенг кўламли ишлар самарасида ўғил-қизларимиз дунёнинг ҳали у, ҳали бу мамлакатида ўтказилаётган нуфузли халқаро кўрик-танловлар ҳамда мусиқа ва санъат фестивалларида юксак натижаларни қўлга киритиб, Ўзбекистон ёшлари ҳеч кимдан кам эмаслиги ва ҳеч қачон кам бўлмаслигини намойиш этмоқда.

2008-2014 йилларда юзлаб ўғил-қизларимиз Франция, Италия, Германия, Британия, Австрия, Руминия, Россия, Озарбайжон, Латвия каби қатор мамлакатларда ўтказилган мусиқа бўйича халқаро танловларда юксак поғоналарга кўтарилгани фикримиз исботидир.

Биз нега айнан мусиқага мурожаат этмоқдамиз? Сабаби – оддий. Собиқ тузум даврида "овози икки дарё оралиғи"дан нарига ўтмаган истеъдодларимизнинг ўктам овози бугун қитъаю уммонлар оша баралла янграмоқда.

...Икки минг ўн бешинчи йил, ўн тўққизинчи март. Италия. Жаҳон классик мусиқа ихлосмандларининг нигоҳи Римда бўлиб ўтаётган "Primavera Romana" II халқаро кўрик-танловига қадалган. Улар ўттиздан ортиқ мамлакатдан келган уч юзга яқин ёш мусиқачиларнинг фортепьянода турли мусиқаларни ижро этиш ва опера куйлаш маҳоратини зўр иштиёқ билан томоша қилар, бўлажак юлдузларнинг ижроси ҳақидаги фикрларини журналистлар билан баҳам кўрар, лекин ким қандай натижа қайд этишини олдиндан айтиб беролмасди. Ҳамма ҳаяжонда эди.

Бошловчи саҳнага чиқиш навбати ўзбекистонлик Ленара Зокировага келганини маълум қилди ва баланд овозда "...le nozza di Figaro ossia la folle giornata", деди. Бир неча лаҳзалик сукутдан кейин Ленара нозик қоматига бироз ярашмаган – гоҳ йўғон, гоҳ бўғиқ, гоҳида эса ингичка овозда В. Моцартнинг "Фигаронинг уйланиши" операсидан Керубино ариясини ижро этди.

Мусиқа садолари тинди. Томошабинлар жойида ўтиролмади, ўрниларидан туриб, гуррос олқишлай кетди. Қарсаклар тобора қуюқлашар, "bravo!", "bravo!", деган ҳаяжонли ҳайқириқлар эшитиларди.

Танловнинг финал босқичига "старт" берилди. Саҳнада Ленара пайдо бўлди. Опера санъати шинавандалари ҳиссиётларини жиловлай олмади. Бошловчи залга қарата ўз тилида нималардир деди. Залда яна ҳайқириқ. Бир неча дақиқа давом этган қутловлардан кейин... Ленара "Кашмир афсонаси" операсидаги "Дугоналар бормисиз, омонмисиз" деб бошланадиган Наргиз ариясини куйлади. Унинг овози, куйлаш усули, саҳнада ўзини эркин тутиши Ўзбекистон халқ артисти Саодат Қобуловага жуда ўхшаб кетарди.

– Танловда ғолиб бўлганимда бир қувонган бўлсам, ҳакамлар ҳайъати аъзоларидан бири – танловнинг дастлабки кунлариданоқ томошабинлар, жумладан, биз ҳам Ўзбекистон ёшларининг ажойиб ижросидан ҳайратга тушдик. Ўшандаёқ кўпчилигимиз уларнинг танловда ғолиблар қаторида бўлиш имконияти юқори эканини тахмин қилгандик. Яқин келажакда Ўзбекистон ёш мусиқачиларининг ғалабалари ҳали кўп бўлишига умид билдирамиз, деганида минг қувондим, – дейди Л. Зокирова. – Беихтиёр, Президентимизнинг биз ёшларга қарата, "Шуни унутмангки, келгусида эришадиган ҳар бир ғалабангиз – юртимиз ғалабаси, Ўзбекистон ғалабасидир!" деган даъватлари ёдимга тушди. Ўша лаҳзада шундай табаррук юртда туғилиб ўсганимдан, шу муқаддас замин, шу азиз Ватан фарзанди эканимдан чексиз фахрландим, кўксим ғурурга тўлди. Биз эришаётган ютуқлар – Ватанимиз ғалабаси эканини янада теран англадим! Зеро, ёшларига алоҳида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатаётган озод юртга мана шундай юксак ютуқ ва марралар муносиб. Ўзбекистон номини улуғлаш, уни шарафларга буркаш биз, ёшларнинг фарзандлик бурчимиздир.

Дарвоқе, Ленара Зокирова Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳридаги 7-болалар мусиқа ва санъат мактабида таҳсил олади. Умумтаълимни бу йил тамомлайди.

Яна бир эътиборли жиҳати, Римда ўтказилган "Primavera Romana" II халқаро кўрик-танловида мазкур мусиқа мактаби тарбияланувчиларидан Давид Погосян, Лола Инкарова, Мария Вахрушева, Сулейман Алимов ҳам фортепьяно, саксофон ва академик хонандалик йўналишлари бўйича ғолиб, деб эътироф этилди. Шу таълим даргоҳининг яна икки ўқувчиси иккинчи ўринни қўлга киритди.

Бу атиги бир мактаб ўқувчиларининг бир танлов доирасида эришган ютуқлари. Хўш, бундан 25 йил илгари мана шундай муваффақият қозонган ёшларимиз қанча бўлган? Умуман, бормиди ўзи? Бу саволга жавобни яна ўша "ўжар" рақамлардан келтирамиз ва хулосасини ўзингизга қолдирамиз:

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигидан олинган маълумотларга кўра, 1991 йилда 3 нафар ўқувчи халқаро танловларда иштирок этган. 2014 йилда 300 га яқин ўғил-қизларимиз миллий ва жаҳон мусиқа асбобларини чалиш, анъанавий ва академик хонандалик, хореография каби йўналишлар бўйича қатнашган ва уларнинг 122 нафари ғолиблик шоҳсупасига кўтарилган. Буни яна бизнинг буюк бобомиз Хоразмий яратган арифметикага солсак, шу даврда бу кўрсаткич қарийб 100 баробар кўпайгани аён бўлади. Ўйлаймизки, шарҳга ҳожат йўқ.

Энг муҳими, бу ёшларнинг барчаси ИСТИҚЛОЛ ФАРЗАНДЛАРИ!

Бекзод ҲИДОЯТОВ,
ЎзА шарҳловчиси.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Депутатлар сайловчилар ҳузурида

ФУҚАРОЛАР МАНФААТИ – УСТУВОР ВАЗИФА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари иштирокидаги учрашувлар Тошкент вилоятида ҳам ўтказилмоқда.

Зангиота туманида бўлиб ўтган шундай учрашувда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Дониёр Абдуқодиров Президентимиз раҳнамолигида турли соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, аввало, инсон ва унинг манфаатларига хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси бу борадаги ишлар кўламини кенгайтиришда муҳим омил бўлмоқда. Қабул қилинаётган қонунлар, фармон ва қарорлар давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, кучли фуқаролик жамияти қуришда алоҳида аҳамият касб этаётир.

Учрашувда Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биринчи ташкилий йиғилиши, парламент палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузаларида билдирган фикрларидан келиб чиқиб ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2015 йил ва кейинги йилларга мўлжалланган ташкилий-ҳуқуқий тадбирлари, қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил ишлари дастури асосида амалга оширилаётган ишлар, ислоҳотларнинг бориши, қабул қилинган қонунлар, фармон ва қарорларнинг мазмун-моҳияти, парламент фаолияти, келгуси вазифалар ҳақида атрофлича маълумотлар берилди.

– Жаҳонда давом этаётган молиявий-иқтисодий инқироз шароитида мамлакатимиз иқтисодиёти барқарор ривожланмоқда, – дейди Д. Абдуқодиров. – Бунда юртимизда демократик ва бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш, иқтисодиётни эркинлаштириш ва таркибий ўзгартириш, кичик бизнес, тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини кенг ривожлантириш учун мустаҳкам меъёрий-ҳуқуқий база яратилгани муҳим омил бўлаётир. Буни Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги "Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида", "Электрон тижорат тўғрисида", "Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги ва бошқа қонунлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Айни пайтда муҳокама этилаётган қонун лойиҳаларини пухта ишлаб чиқишда аҳоли билан учрашувларнинг аҳамияти катта бўлиши шубҳасиз.

Учрашувда "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури доирасида ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, хусусий сектор вакилларини қўллаб-қувватлаш орқали янги иш ўринлари яратиш, қонунлар ва тегишли давлат дастурлари ижросини таъминлаш юзасидан таклифлар билдирилди.

Депутат йиғилганларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

Б. ҲИДОЯТОВ,
ЎзА мухбири.

Президентимиз раҳнамолигида ҳаётга изчил татбиқ этилаётган ислоҳотлар жойларда аҳоли, айниқса, ёшлар бандлигини таъминлаш ва уларни ижтимоий ҳимоялашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада алоҳида Давлат дастури ишлаб чиқилган бўлиб, унинг ижросига барча давлат органлари, шу жумладан мамлакатимиз парламенти томонидан ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жойларда ислоҳотларнинг бориши, аҳолига ҳамда тадбиркорларга яратилаётган қулайликлар, имтиёзлардан қай даражада фойдаланилаётгани, сайловчиларнинг фикр-мулоҳазалари, ариза ва шикоятлари билан яқиндан танишиш мақсадида ушбу ҳафтада 84-Тўйтепа сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган Виктор Пакнинг Ўрта Чирчиқ тумани сайловчилари билан учрашувлари ўтказилди.

ЖОЙЛАРДА ҚИЗҒИН МУЛОҚОТЛАР

Учрашувлар туманнинг "Янги ҳаёт" қўрғони ҳамда Алишер Навоий номли, Қорасув, Ўртасарой, Йўн-ғичқўли қишлоқ фуқаролар йиғинларида, ҳафтанинг жума куни эса Тўйтепа шаҳрида ўтказилди. Депутат сайловчилар билан юзма-юз суҳбатларда Юртбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган устувор вазифалар ва яқинда қабул қилинган "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги

тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонининг мазмун-моҳиятини тушунтиришга алоҳида эътибор қаратди ҳамда ўзининг фаолияти, аҳоли турмуш тарзини янада яхшилаш борасида олиб бораётган ишлари хусусида батафсил гапириб берди.

Қизғин мулоқотлар давомида депутат давлатимиз раҳбари томонидан амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари вакиллари, фермерларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни назарда тутувчи қонунларнинг жойлардаги ижросини ўрганиш, мавжуд муаммоларнинг ечимини топиш, партия электорати вакиллари таклифларини қабул қилиш ва тегишли тавсиялар ишлаб чиқиш, вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳия-тини юксалтириш, ёшлар учун янги иш ўринларини ташкил этиш борасида қилиниши лозим бўлган вазифаларни алоҳида таъкидлаб ўтди.

– Жорий йилнинг ўтган уч ойида сайловчилардан 300 дан ортиқ хат олдим, – деди В. Пак учрашувлар чоғида. – Уларда кўтарилган масала ва муаммоларнинг аксарияти ўз ечимини топди. Сайловчиларнинг ҳар бир мурожаати диққат-эътиборимда туради ва ишонтириб айтаманки, улар ўз қонуний ечимини топади.

Шунингдек, депутат Ўрта Чирчиқ туманида айни кунда 1261 юридик шахслар (фермер хўжаликларидан ташқари) ҳамда 1160 та тадбиркорлик субъектлари мавжудлигини айтиб, бу жуда ҳам камлигини, туманда тадбиркорлик субъектларининг сони ўн мингдан зиёдни ташкил этиши лозимлигини ва бу борада жиддий ишлаш кераклигини таъкидлаб ўтди.

Сайловчилар ўзларини қизиқтирган, кундалик турмушларида дуч келаётган муаммолар юзасидан депутатга кўплаб саволлар беришди. Депутат мурожаатларни ён дафтарига қайд қилиб олган, улар билан шахсан шуғулланишини, бор куч-ғайрати билан ишга киришишини таъкидлади.

Учрашувларда Халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари, прокуратура, ИИБ, банклар, молия, солиқ, иқтисодиёт, кадастр бўлимлари раҳбарлари, тадбиркорлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Толиб ҲАКИМОВ.

СУРАТЛАРДА: учрашувлардан лавҳалар.

Равшан МИРЗАҚУЛОВ олган суратлар.

Партиялар ҳаёти

ОММАВИЙ МАДАНИЯТГА ҚАРШИМИЗ

Давлатимиз раҳбарининг "...қаердаки, беписарволик ва лоқайдлик ҳукм сурса, энг долзарб масалалар ўзибўларчиликка ташлаб қўйилса, ўша ерда маънавият энг ожиз ва заиф нуқтага айланади. Ва аксинча, қаерда хушёрлик ва жонкуярлик, юксак ақл-идрок ва тафаккур ҳукмрон бўлса, ўша ерда маънавият қудратли кучга айланади", деган сўзлари барчамизни юртимиз тинчлиги йўлида огоҳ бўлишга чорлаб туради. Зеро, бугун оммавий маданият ниқоби остида ахлоқий бузуқликни авж олдиришга уринаётган кучлар ёшлар онгига таъсир қилишнинг турли йўлларини излаб топиб, уларнинг маънавий оламини бузишга ҳаракат қилаяпти.

Шу боис ёшларни миллий қадрият ва анъаналарга содиқ руҳда тарбиялаш, турли таҳдидларнинг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Ўрта Чирчиқ туманида вилоят ҳокимлиги, Тошкент ислом университети, республика Маънавият тарғибот маркази, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, адлия бошқармаси, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти вилоят бўлимлари билан ҳамкорликда "Биз, ёшлар – "оммавий маданият" ва мафкуравий таҳдидларга қаршимиз!" мавзуида тадбир ташкил этди. Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари, партия фаоллари, маҳалла ёшлари иштирок этган давра суҳбатида сўзга чиққанлар бутун дунёда глобаллашув жараёни ҳар томонлама чуқурлашган айни кезларда оммавий маданият аталмиш таҳдидларга қарши кураш олиб бориш, халқнинг миллий ва маданий меросини асраб-авайлаш лозимлигини таъкидлашди.

Тадбир сўнгида жамоат ишларида фаол қатнашган ёшларга партиянинг аъзолик билетлари ва эсдалик совғалари топширилди.

Наргис МАМАТҚУЛОВА.

Қарор ва ижро

Ёқилғи-энергетика ресурслари мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим ўринга эга бўлиб, улардан самарали фойдаланиш ва келажак авлодларга ҳам етказиб бериш долзарб вазифалардан биридир. Бунинг учун иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳаларда энергияни тежовчи технологияларни жорий этиш, энергия ҳажмларини қисқартириш, истеъмолчига етказиб бериладиган энергия ресурслари ҳисобини аниқ юритиш талаб этилмоқда.

ЭНЕРГИЯНИ ТЕЖОВЧИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Республика Президентининг "2015-2019 йилларда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳаларда энергияни тежовчи технологияларни жорий этиш, энергия ҳажмларини қисқартириш Дастури тўғрисида"ги Қарори "Ўздавнефтгазинспекция"нинг устувор йўналишларини белгилаб беради. Дастурга асосан юқоридаги тадбирларни изчил амалга оширишнинг энг муҳим йўналишлари аниқ белгилаб олинди. Айни пайтда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳаларда энергияни тежовчи технологияларни кенг қўллашга оид ишларни тизимли ташкил этиш ҳамда белгиланган муддатларда ижросини таъминлаш мақсадида тегишли корхона ва ташкилотлар билан бирга вилоят ҳудудидаги йирик саноат ва ишлаб чиқариш корхоналари, шунингдек, йилига 100 минг куб. метрдан ортиқ табиий газдан фойдаланувчи корхоналар рўйхати шакллантирилмоқда.

Ушбу тадбир доирасида инспекциянинг вилоят ҳудудий бўлими мутахассислари томонидан йирик корхоналарда, иқтисодиёт тармоқларида маҳсулот ишлаб чиқаришда ёқилғи-энергетика ресурслари сарфини камайтириш мақсадида ишлаб чиқариш қувватларини ошириш учун модернизациялаш, техник ва технологик жиҳозларни энергияни тежовчи ва натижа берадиган замонавий технологияларга алмаштириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳаларга ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш бўйича ташкилий-техник чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш, белгиланган дастурлар асосида корхона ва ташкилотларни мажбурий энергетик текширувдан ўтказиш, энергияни тежовчи замонавий ускуналар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, шунингдек, ёқилғи-энергетика ресурслари сарфини автоматик ҳисоблаш ускуналари билан тўлиқ жиҳозлашни таъминлаш юзасидан назарий ва амалий ёрдам бериб боришга қаратилган чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Бундан ташқари, бўлимимиз мутахассислари қарорда белгиланган 2020 йилнинг 1 январигача Дастур ижросини таъминлаш мақсадида йирик саноат ва ишлаб чиқариш корхоналарига четдан келтириладиган қурилма, хом ашё ва материаллар, ускуна ва эҳтиёт қисмлар ҳамда технологик ҳужжатлар учун божхона тўловларидан озод қилингани тўғрисида кенг қамровли тушунтириш ишлари олиб бориш, энергоаудиторлар томонидан энергия ресурслари истеъмолчиларини мажбурий энергия текширувларидан ўтказилгани тўғрисида ҳисоботлар тақдим этилганда, уларни кўриб чиқиш, шунингдек, Дастурда белгиланган уй-жой фондидаги ностандарт ва самарадорлиги паст иситиш ва сув иситиш қозонларини 2015-2019 йилларда тежамли замонавий қозонларга босқичма-босқич алмаштириш жадвалини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, пишиқ ғишт ишлаб чиқарувчи корхоналарни 2015-2018 йилларда муқобил ёқилғи турига (кўмир, брикет ва бошқалар) ўтказиш, 2018 йилнинг 1 январидан бошлаб, замонавий электрон ҳисоблагичлар билан жиҳозланмаган хўжалик юритувчи субъектларга энергия ресурслари (электр энергия ва табиий газ) етказиб беришни тақиқлаш каби чора-тадбирларни ўрганиш ва тегишли тавсиялар бериб бориш ишлари бошлаб юборилди.

Дастурда белгиланган чора-тадбирларнинг қатъий муддатларда ва сифатли амалга оширилиши орқали иқтисодиёт тармоқларида энергия ҳажмларини камайтириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш, иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолини ёқилғи-энергетика ресурслари сарфини барқарор таъминлаш йўлга қўйилишига эришилади, албатта.

Курбонали НОРҚЎЗИЕВ,
"Ўздавнефтгазинспекция"нинг Тошкент вилояти ҳудудий бўлими етакчи мутахассиси.

Касаба уюшмалари ва туризм

ЎТМИШ ВА БУГУННИ БОҒЛОВЧИ КЎПРИК

Халқ – тарихи билан барҳаёт. Зеро, тарих фақат ўтмиш эмас. У халққа аввало, бугуни ва эртаси учун керак. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда: "... Ўтган давр мобайнида босиб ўтган мураккаб йўлимизга яна бир бор назар ташлаб, мустақил тараққиётимиз давомида амалга оширган ишларимиз, эришган натижаларимизни холисона баҳолаш ва уларнинг моҳияти ва аҳамиятини кенг жамоатчилик, бутун халқимизнинг эътибори ва онгу шуурига етказиш мақсадга мувофиқдир...".

Замон ҳамиша бир қўлида ўтмишни, иккинчисида келажакни тутиб туради. Чунки кеча бугунга, бугун эса эртага замин тайёрлайди. Тарих ва бугунни бир-бирига боғлаб турувчи кўприк эса туризм ҳисобланади.

Бугунги кунда мамлакатимизда туризм соҳасини янада ривожлантириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Айнан шу соҳа бой тарихимиз, миллий маданиятимиз, тарихий обидаларимиз ва маънавий меросимизни юксак қадриятларимиз сифатида оламга кўз-кўз қила олади. Ўзбекистон касаба уюшмалари ташкилотларида туризмни ривожлантириш масаласи 2015 йилги устувор йўналишлардан бири этиб белгиланган.

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Чирчиқ шаҳар кенгаши Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг "Касаба уюшмалари ташкилотларида туризмни ривожлантириш тўғрисида"ги қарори билан тасдиқланган тадбирлар дастури ижросини таъминлаш ҳамда мустақиллик даврида қад кўтарган ва қайта реконструкция қилинган иншоотлар, фан-техника соҳасидаги улкан ютуқларимизни тарғибот қилиш мақсадида таълим ва маданият тизимида хизмат қилаётган юздан зиёд касаба уюшмаси аъзоларини кўҳна ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳрига ташрифини уюштирди.

"Victoria Tour" туристик ташкилот билан ҳамкорликда ташкил этилган саёҳатда таълим тизимида меҳнат қилаётган ходимларга тезюрар "Афросиёб" поезди ва "Ўзбекистон ҳаво йўллари" юқори савияда хизмат кўрсатди.

Саёҳатчилар Регистон майдони, Ал-Бухорий мажмуаси, Гўри Амир, Шоҳи Зинда ва авлиё Дониёр мақбараларини зиёрат қилдилар, кўҳна Самарқанд шаҳрининг бой маданий-маънавий ёдгорликлари билан танишдилар.

Инсонга эътибор олий қадрият ҳисобланган мамлакатимизнинг янада обод, тинчлик-хотиржамликнинг абадий бўлишини тилаб кексаларимиз дуога қўл очар эканлар, шундай ҳур Ватанда яшаётганлари учун шукроналар айтиб, ёш авлодга тинч ва фаровон ҳаётимизни қадрлаш, уларга яратилган барча имкониятлардан самарали фойдаланиш, юртимиз шарафини ўз билим ва маҳоратлари билан дунёга танитишларини тиладилар.

Шаҳноза ИСРОИЛОВА,
Чирчиқ ижтимоий-иқтисодиёт коллежи ўқитувчиси.

Тошкент воҳаси: афсона ва ҳақиқат

МОЗИЙНИНГ СИРЛИ ОЛАМИГА САЁҲАТ

1895 йилда Тошкент шаҳрида ташкил этилган Туркистон археология ишқибозлари тўгараги бу йил 120 ёшга тўлади. У кўҳна ёдгорликларга қизиқувчи 100 га яқин кўнгиллиларни бирлаштирди.

Тўгарак иш фаолиятини Тошкент шаҳри атрофлари ва вилоятнинг бир қатор туманларидаги қадимий ёдгорликларнинг қисқа рўйхатини тузишдан бошлаб, археологик объектлар ва қадимий чақа-тангаларни излаб топиш мақсадларида тез-тез мажлислар чақириб борди. Турли топилмалар орасида қадимий нарсалар ишқибози Акром Асқаров тўплаган буюмлар, айниқса, катта қизиқиш уйғотди. Акром Полвон лақаби билан танилган бу ҳормас-толмас қидирувчининг фидойилиги "Археологияга кўрсатган хизматлари учун" медали билан тақдирланган. Тўгаракнинг яна бир фаол аъзоси Мирзо Исамуҳамедов Оҳангарон воҳасидан кўплаб қадимий идишлар қолдиқларини топиб келтирган.

Тарихий ёдгорликларни ўрганиш доимо илмий-тадқиқот хусусиятига эга бўлиб келган. Тошкент шаҳри ва вилоятдаги ёдгорликлар бирламчи илмий рўйхатга олиниб, Тўйтепа атрофидаги кўҳна шаҳарлар ўрнида, Оҳангарон водийси ҳамда Чирчиқ дарёси ўнг соҳилларида қазилма ишлари давом эттирилмоқда. Ўзбекистоннинг биринчи археологик харитаси тузилгани муносабати билан Янгийўл яқинидаги бир қатор кўҳна қабрларда геология экспедициялари билан бирга тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

ТошДУнинг М. Массон раҳбарлигидаги археология кафедрасининг истеъдодли олимлари С. Лунина, З. Усмонова, Ю. Буряков, Д. Зильпер, Н. Крашенинникова, Т. Мирғиёсов, С. Эшонхонов ва бошқалар иштирокида вилоят ҳудудида олиб борилган комплекс тадқиқотлар фидойилардан иборат экспедициянинг кучли илмий базага айланишига асос бўлиб, пировардида у нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиё археологияси марказини ташкил этди.

Эндиликда Ўзбекистон Фанлар академияси тарих ва археология институтининг Ўзбекистон археологик комплекс экспедицияси таркибида Чирчиқ дарёси сойларидаги ёдгорликларни ўрганувчи Тошкент ва Оҳангарон палеолитик отрядлари ҳамда Чорвоқ, Чотқол-Қурама археология отрядлари ташкил этилди. Ҳақиқий жонкуяр олимлар Я. Ғуломов, М. Герасимов, О. Ростовцев, А. Асқаров, Ш. Тошхўжаев ва F. Дадабоев бошчилигидаги ушбу илмий отрядларнинг ҳаммаси Тошкент воҳасининг қадимий шаҳарлари ўрнида кенг кўламда тадқиқот ишларини давом эттирди. Металлургия ва кон ишлари пунктларини текширишди ҳамда Тошкент воҳасининг энг қадимий шаҳарларидан бири бўлган Қонқани батартиб ўрганишди.

Пискентнинг ҳурматли оқсоқоллари, табаррук ёшдаги қариялари ҳозирги туман маркази ўрнида бир замонлар қадимий шаҳар бўлганини эшитиб, қувончдан ҳайратга тушган эдилар. Бу кўҳна шаҳар ҳозирги туман марказидан жанубда, Чирчиқ ва Оҳангарон кесмасида бўлган. Туркистон археология ишқибозлари тўгараги аъзолари ушбу ёдгорликни аниқлаб, белгилаб қўйишган. 1934 йилда М. Массон уни текширувдан ўтказди. 1961 йилда эса Чотқол-Қурама отряди бу ёдгорликни ўрганди. Текширилган ашёлар эрамизнинг X-XII асрларига тааллуқли эканлиги белгилаб қўйилди. Қўрғонларнинг излари сақланиб қолган. Халқ орасида Эскиўрда, Саққомаҳалла, Бозорбоши, Бардонқўрғон каби номлар бугунги кунда ҳам тилга олинади. Булар XVI-XVIII асрларда мавжуд бўлган даҳа ва маҳаллаларнинг номларидир.

Ўрта аср географлари X асрдаги йирик, чиройли Бискет шаҳрини тез-тез тилга олиб туришган. Бискет – 20 та шаҳар маъносини англатади. Новкет (ҳозирги Тўйтепа) орқали Фарғона томон равон йўл бўйлаб савдо йўналиши очилиши муносабати билан Бискет жадал ривожланган. Бугун эса, Бискетнинг қолдиқлари Пушти Маҳмуд дея аталадиган жойда хароба кўринишида сақланиб қолган.

Тошкент воҳасида ўнлаб шундай кўҳна шаҳарлар қолдиқлари бор. XII асргача Шош воҳаси ва Илоқда элликтача шаҳар бўлган. Булар ҳақида бугун бизга археологларнинг меҳнатлари натижалари, ҳатто, янги ва режалаштирилаётган қурилиш объектларида ишлаётган бульдозерлар ҳаракати туфайли тупроқ қатидан юзага чиқиб қолаётган ўтмиш буюмлари қолдиқлари сўзлаб бериши мумкин. Бу қадимий ашёлар ҳар сафар биз яшаб турган заминнинг буюк маданияти ва тарихини ёдимизга солиб туради. Бу – шунчаки, ўтмишимиз эмас. У – Ватанимиз тарихининг мустаҳкам пойдевори. Усиз олға юришнинг иложи йўқ.

Зарифа ЭШМИРЗАЕВА,
халқаро "Олтин мерос" хайрия жамғармаси вилоят бошқармаси бошлиғи.

Кўрик-танлов

САЛОМАТЛИКНИНГ ЁШ ДЎСТЛАРИ

Пойтахтдаги Ғафур Ғулом номли маданият ва истироҳат боғида вилоят ҳокимлиги, Қизил Ярим ой жамияти вилоят бўлими, соғлиқни сақлаш, халқ таълими, фавқулодда вазиятлар, ички ишлар бўлимлари ҳамкорликда ташкил этган "Саломатликнинг ёш дўстлари" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

ОИТС ва ОИВ инфекциясига қарши курашиш, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларнинг тиббий саводхонлигини ошириш мақсадида уюштирилган танловда тегишли идора ва муассасалар ходимлари, мактаб ўқувчилари, ота-оналар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Иштирокчилар танлов мезонига мувофиқ, жароҳатланган, бахтсиз ҳодиса ва йўл ҳаракати ҳодисасидан жабрланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, юқумли касалликларнинг олдини олиш, доривор ўсимликларни қўл-лаш каби еттита шарт бўйича синовдан ўтказилди.

Ўрта Чирчиқ туманидаги 4-умумтаълим мактаби ўқувчилари кўрик-танловнинг ғолиби бўлдилар.

Ғолиб ва совриндорларга ташкилотчиларнинг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

Умида ИСАЕВА.

СОҒЛОМ ОИЛА – ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

Кайковуснинг "Қобуснома" асарида шундай жумлалар бор: "Фарзандга адаб, ҳунар ўргатмакни мерос деб билгил. Агар сен унга хоҳ адаб ўргатгил, хоҳ ўргатмагил турмуш машаққатларининг ўзи унга ўргатур. Ундоқким дебдурлар, фарзандни ота-она тарбияламаса, кеча ва кундуз уни тарбиялайди".

Мамлакатимизда оила институтини жамиятнинг бошқа муҳим ижтимоий тузилмалари, юртимиздаги маънавий ўзгаришлар билан уйғун тарзда ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида "Оила" илмий-амалий маркази томонидан "Ўзбекистон оилалари: кеча ва бугун" мавзуида ўтказилган матбуот анжуманида шулар ҳақида сўз юритилди.

"Оила" илмий-амалий маркази директори вазифасини бажарувчи Ҳ. Мамадалиева ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида оилада соғлом муҳитни шакллантириш, баркамол авлодни вояга етказиш, оилалар барқарорлигини таъминлаш, манфаатларини муҳофаза қилиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда оилавий муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, унинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини таъминлаш учун барча зарур шароитни яратиш юзасидан фармон ва қарорлар, давлат дастурлари қабул қилиниб, ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда.

Оилада соғлом ижтимоий муҳитни яратиш, оилавий низолар, ажримлар ва бошқа ҳолатларнинг олдини олиш ҳамда психологик кўмакка муҳтож бўлган оила аъзосига яқиндан кўмаклашиш мақсадида марказ томонидан турли тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга, "Оила қурмоқчи бўлган ҳар бир шахс маънан ва жисмонан етук бўлмоғи лозим", "Она оиланинг маънавий-ахлоқий кўзгуси, меҳр-муҳаббат сарчашмасидир", "Оталарнинг олтин ўгити", "Соғлом турмуш тарзи – саломатлик гарови" каби номларда буклетлар тайёрланиб, юртимиздаги барча маҳаллалар, таълим муассасаларига тарқатилаётир.

Тадбирда бу каби эзгу саъй-ҳаракатлар самарасида аҳоли, хусусан, ёшлар эрта ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳ, тиббий кўрикдан ўтмаслик, бошқа турли иллатларнинг салбий оқибатларини англаб етаётгани қайд этилди. Кўрилаётган чора-тадбирлар асосида оилалар тинч ва фаровон, аҳил-тотув бўлиб, осойишта ва барқарор ривожланаётгани айтилди.

"Оила" илмий-амалий маркази "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда ёшлар тарбияси, камолоти, маънан ва жисмонан соғломлигига хизмат қиладиган кўплаб лойиҳаларни амалга оширмоқда.

Анжуманда журналистларнинг саволларига жавоб берилди.

Барно МЕЛИҚУЛОВА, ЎзА муҳбири.

Истеъмолчи доимо ҳақ

Оҳангарон тумани истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятига Сусам қишлоғида яшовчи Н. Маматовадан тушган аризада баён этилишича, туман электр тармоғи корхонаси 2012 йил 26 апрелдаги №16 Ж 003663-сонли далолатнома асосида истеъмолчидан 521.148,68 сўм асоссиз жарима ундирмоқчи бўлган.

АСОССИЗ ЖАРИМА БЕКОР ҚИЛИНДИ

Асоссиз дейишимизга сабаб шуки, ариза туман электр тармоғи корхонаси вакили билан бирга жойига чиқиб ўрганилганда, ҳеч қандай ноқонуний уланишлар йўқлиги аниқланди ва шу ҳақда маълумотнома тузилиб, истеъмолчига нисбатан белгиланган жаримани бекор қилишни сўраб, Оҳангарон ТЭТК раҳбарига хат билан мурожаат қилинганди. Бироқ жарима суммаси қайта ҳисоб-китоб қилинмаслиги тўғрисида жавоб хати олингач, муаммони ижобий ҳал этиш мақсадида истеъмолчи манфаатини кўзлаб Фуқаролик ишлари бўйича Оҳангарон туманлараро судига "Далолатномани ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида" даъво аризаси билан мурожаат қилинди. 2015 йил март ойида суднинг ҳал қилув қарори чиқиб, Оҳангарон ТЭТК далолатномани гувоҳларсиз бир томонлама тузганлиги сабабли у суд тартибида бекор қилинди ва истеъмолчига қўлланилган 521.148,68 сўмлик жарима асоссиз деб топилиб, муаммо истеъмолчи фойдасига ҳал этилди.

С. САФАРОВ, Оҳангарон тумани ИХҲҚЖ ижро этувчи аппарати раиси.

Сўраган эдингиз...

ШАРТНОМА ҲАҚИҚИЙ БЎЛМАСЛИГИ МУМКИНМИ?

– Кўчмас мулкни сотиш шартномаси ёзма равишда тузиладими?

Д. ХУДОЙБЕРДИЕВА, Бекобод шаҳри.

– Кўчмас мулкни сотиш шартномаси қонунга кўра тарафлар томонидан битта ҳужжатни имзолаш йўли билан ёки турли алоқа усуллари ёрдамида ҳужжатлар алмашиш йўли билан, албатта, ёзма шаклда тузилиши керак. Акс ҳолда, шартнома ҳақиқий эмас саналади. Чунки, қонунда кўчмас мулкни сотиш шартномасининг шаклига риоя қилмаслик, унинг ҳақиқий эмаслигига сабаб бўлиши белгиланган.

Шунингдек, Фуқаролик кодексининг 481-моддасида кўчмас мулкни сотиш шартномасига биноан, кўчмас мулкка бўлган мулк ҳуқуқининг сотиб олувчига ўтганлиги давлат рўйхатидан ўтказилиши кераклиги белгиланган. Кўчмас мулк олди-сотди шартномаси айнан шу жиҳати билан бошқа кўплаб шартномалардан фарқ қилади. Акс ҳолда, бу шартнома ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битим бўлиб ҳисобланади. Зеро, мазкур моддада битимнинг нотариал шаклига ёки уни давлат рўйхатидан ўтказиш талабига риоя қилмаслик битимнинг ҳақиқий эмаслигини келтириб чиқариши ҳамда бундай битим ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаслиги белгилаб қўйилган. Бундан ташқари, Фуқаролик кодексининг 366-моддаси иккинчи қисмида нотариал тасдиқланиши ёки давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт бўлган шартнома нотариал тасдиқланган ёки рўйхатдан ўтказилган пайтдан эътиборан, нотариал тасдиқланиши ва рўйхатдан ўтказилиши зарур бўлганда эса – шартнома рўйхатдан ўтказилган пайтдан эътиборан шартнома тузилган ҳисобланиши белгиланган.

Мавжуд қонунчиликка мувофиқ, кўчмас мулкни сотиш шартномасининг ёзма шаклига риоя қилмаслик ҳамда уни давлат рўйхатидан ўтказмаслик уни ҳақиқий эмаслигига олиб келади.

Саволга нотариус Лайло ТУРСУНОВА жавоб берди.

АНТИВИРУСЛАР ҲАҚИДА БИЛАСИЗМИ?

Амалиёт учун зарур бўлган маълумотларни компьютеримга тўплагандим, аммо унинг ўз-ўзидан ишламай қолгани чатоқ бўлди. Устасини чақиргандик, компьютерда вируслар кўплигини айтди. Кейин антивирус ўрнатиб берди. Антивирус нималиги, унинг турлари ва фойдаси ҳақида билишни хоҳлаб, ўқиб, изландим.

Шундай қилиб, антивирус дастурининг асосий вазифаси зарарли кодни аниқлашдир. Бундан ташқари, у компьютернинг ишлаш тезлигига ҳам таъсир кўрсатади. Негаки, баъзи антивирус дастурлар ишлаётганида компьютер "қотиб" қолади.

Антивирус дастурларнинг Kasperskiy, Dr.Web, Panda, Norton, NOD32 Avira, Avast, BitDefender, Kerish Antivirus каби турлари бор. Улар ишлаш тезлиги ва бошқа кўплаб хусусиятлари билан бир-биридан фарқ қилади.

Юқорида келтирилган антивирус дастурлар орасида Dr. Web компьютердаги вируснинг ҳаммасини топади, қўшимчасига компьютерда кечаётган зарарли жараён ҳақида огоҳлантириш ҳам беради.

Бошловчилар Dr. Webдан фойдаланмоқчи бўлсалар, дастурни ўрнатишни компьютернинг ўзига қўйиб берганлари маъқул. Акс ҳолда, ўрнатиш давомида фойдаланувчи адашиб кетиши мумкин. Dr. Web антивирусининг аҳамиятли томони шундаки, у компьютерни блоклаб қўяди, фойдаланувчи кутиб туришига тўғри келади.

Панда номли антивирусининг асосий хусусиятларидан бири компьютердаги зарарланиш эҳтимоли кучли бўлган дастур ёки қурилмани аниқлашдир. У фойдаланувчига дастур ёки қурилма драйверини янгилаш кўрсатмасини беради. Лекин, антивируслар ўртасида ўтказилган синов натижаларига кўра, Panda, Kasperskiy ва Dr. Webга тенг кела олмади. У киритилган 7 та вирусдан 6 тасини аниқлади, шулардан 3 тасини йўқ қилди, қолганини эса номини ўзгартириб қўя олди, холос.

Norton антивирус дастури "Symantec" компаниясининг машҳур ишланмаларидан бири бўлиб, унинг иш фаолияти жуда юқори қувватли ҳисоблаш тизимларига асосланган. Norton антивирус дастури фойдаланувчининг хатти-ҳаракатларига жуда секин жавоб беради. Бундан ташқари, компьютерга ўрнатилаётганида у операцион тизим ва Internet Explorer интернет браузерининг қайси версияда эканига қараб ишлайди. Norton антивирус дастури ўрнатилаётганида вирус базаларини янгилаш шарт эмас, лекин агар база эскириб қолган бўлса, у иш жараёнининг ҳамма қисмида фойдаланувчига эслатиб турилади.

Чет элда, хусусан Ғарб давлатларида ўтказиладиган халқаро тадқиқотда "Virus Bulletin 100 %" етакчи антивирус деб топилган. Лекин у МДҲда унчалик оммалашмаган. Ишлаб чиқарувчиларнинг айтишича, фақат шу антивирус дастуригина бирорта ҳам зарарли файлларни "ўтказиб юбормаган".

Гулҳаё ТУРҒУНОВА, Тошкент Давлат техника университети талабаси.

ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 февралдаги Р-2146-сонли Фармойиши билан тасдиқланган "Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари директорларини танлаш ва тайинлаш тўғрисидаги Низом" га асосан қуйидаги таълим муассасанинг вакант (бўш) бўлган ДИРЕКТОР ЛАВОЗИМИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Т/р	Таълим муассасаси номи	Манзили
1.	Оҳангарон транспорт ва сервис касб-ҳунар коллежи	Оҳангарон тумани, Санам қўрғони
2.	Зангиота қурилиш ва тадбиркорлик касб-ҳунар коллежи	Зангиота тумани, Бўзсув ҚФЙ, "Наврўз" маҳалласи
3.	Қуйи Чирчиқ хизмат кўрсатиш ва сервис касб-ҳунар коллежи	Қуйи Чирчиқ тумани, Улуғбек ф/у, "Мингчинор" маҳалласи
ҚАЙТА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:		
1.	Зангиота тиббиёт коллежи	Зангиота тумани, Туркистон ҚФЙ, Шифокорлар кўчаси
2.	Чирчиқ саноат касб-ҳунар коллежи	Чирчиқ шаҳар, 9-кичик ноҳия, Бобур кўчаси, 22-уй

Танловда олий маълумот (маданият ва спорт ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасидаги таълим муассасаларида академик лицей, КҲКнинг таълим йўналишларида камида биттаси ёки билим соҳаси бўйича олий маълумот); таълим тизимидаги (педагогик, ўқув-тарбиявий, ўқув-услубий, бошқарув фаолияти) иш стажи 3 йилдан кам эмас ёки академик лицей, КҲКнинг соҳа йўналишлари бўйича 5 йилдан кам бўлмаган амалий иш стажига эга бўлган мутахассислар иштирок этишлари мумкин. Таълим муассасаси йўналиши бўйича илмий даража ёки илмий унвонга эга бўлган раҳбар лавозимларидаги шахсларга иш стажи талаб қилинмайди. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг 2012 йил 30 декабрдаги 341-сонли буйруғи билан тасдиқланган "Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими ходимлари асосий лавозимларининг малака тавсифлари" малака талабларига жавоб бериши керак.

ТАЪЛИМ МУАССАСА ДИРЕКТОРИНИНГ ЎРИНБОСАРИ ЛАВОЗИМИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 28 март куни 1461-сонли давлат рўйхатидан ўтган "Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида раҳбар ва ўқитувчининг бўш лавозимларини эгаллаш учун уларни танлов асосида танлаб олиш тўғрисидаги Низом" асосида қуйидаги таълим муассасаларининг вакант (бўш) бўлган директор ўринбосарлари лавозимларига танлов эълон қилади:

Маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари:
1. Оҳангарон тумани агросаноат ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи.

Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосарлари:
1. Қибрай тумани Чингелди маиший хизмат касб-ҳунар коллежи.

Ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосари:
1. Қуйи Чирчиқ қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги касб-ҳунар коллежи;
2. Қибрай тадбиркорлик касб-ҳунар коллежи;
3. Юқори Чирчиқ агросаноат ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи;
4. Зангиота агросаноат касб-ҳунар коллежи;
5. Оҳангарон саноат касб-ҳунар коллежи;
6. Паркент тумани транспорт ва сервис касб-ҳунар коллежи.

Директор ўринбосари лавозимига танловида иштирок этувчи номзодлар:

а) ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари лавозимига академик лицей, КҲКнинг таълим йўналишларидан камида биттаси ёки умумтаълим фанлари бўйича олий маълумот (маданият, спорт ҳамда тиббиёт соҳаси бундан мустасно)ли ва таълим тизимидаги (педагогик, ўқув-тарбиявий, ўқув-услубий бошқарув фаолияти) иш стажи 5 йилдан, малакавий даражаси катта ўқитувчидан кам эмас;

б) маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари лавозимига ижтимоий фанлар бўйича ёки педагогик олий маълумот ва таълим тизимидаги (педагогик, ўқув-тарбиявий, ўқув-услубий бошқарув фаолияти) иш стажи 5 йилдан кам эмас;

в) ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосари лавозимига КҲКнинг билим соҳасига оид махсус фанлардан бири бўйича олий маълумот ва 5 йилдан кам бўлмаган педагогик иш стажига эга бўлган номзодлар иштирок этишлари ҳамда 2008 йил 13 декабрда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1845-1-сон билан рўйхатга олинган "Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ходимлари асосий лавозимларининг малака талабларини қўллаш бўйича йўриқнома" малакавий талабларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг 2012 йил 30 декабрдаги 341-сонли буйруғи билан тасдиқланган "Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими ходимлари асосий лавозимларининг малака тавсифлари" малака талабларига жавоб бериши керак.

Танловда иштирок этиш ҳоҳишини билдирган номзодлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади.

1.Тошкент вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи номига ариза;
2. Сўровноманинг асли (сўровноманинг барча бандлари аниқ, тўлиқ ва қисқартиришларсиз ўз қўли билан тўлдирилиши шарт);
3. Таржимаи ҳол (қўлёзма);
4. Маълумотнома (справка-объективка);
5. Меҳнат дафтарчасининг асли ёки нусхаси (кадрлар бўйича инспектори томонидан тасдиқланган ҳолда);
6. Диплом нусхаси (тамомлаган олий таълим муассаса томонидан дипломининг ҳаққоний эканлиги ҳақида гербли муҳри билан тасдиқланган маълумотнома);
7. Тиббий кўрикдан ўтганлиги тўғрисидаги маълумотнома форма-086 асли;
8. ИИБдан маълумотноманинг асли;
9. Илмий даража ва унвонлар ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхаси (уларнинг ҳаққонийлиги ҳақида тасдиқловчи ҳужжат);
10. Паспорт нусхаси;
11. Ҳарбий гувоҳнома нусхаси (45 ёшгача);
12. 6 та фотосурат (3х4);
13. ИНН, пенсия жамғариб бориладиган дафтарча нусхалари;
14. Концепция (номзоднинг таълим муассасасига бўлажак раҳбарлик фаолияти бўйича ихтиёрий шаклда ёзилган режаси).

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб, 30 (ўттиз) кун мобайнида қабул қилинади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Корамурт кўчаси, 1-уй.

Маълумот учун телефон: 150-40-37.

"TASHKENT REALTOR SERVICE" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши шаклида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Очиқ аукцион савдосига туман захира ерлари ҳисобига олинган ер майдонларида фермер хўжаликларини ташкил этиш мақсадида қуйидаги "Боғзор" ва "Узумзор" қўйилмоқда:

1. Зангиота тумани, "Н. Обидов" агрофирмаси ҳудудида жойлашган "MIRSOLIEV MIRAZIZ AGRO" фермер хўжалигидан туман захира ерлари ҳисобига олинган 7,45 гектар "Боғзор" ва 3,02 гектар "Узумзор", бошланғич баҳоси 4 831 000 сўм.

Очиқ аукцион савдоси 2015 йил 30 июнь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй, Биржа Маркази биносида бўлиб ўтади. Ушбу кунда сотилмай қолган "Боғзор" ва "Узумзор" нинг такрорий савдоси 2015 йил 15 июль куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагини билдирган шахслар "Закалат пули тўғрисидаги келишуви" ни имзолагандан сўнг, объект бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "TASHKENT REALTOR SERVICE" МЧЖнинг "Ипак йўли" АИТБ Тошкент шаҳар, Миробод филиалидаги 20208000804876496001 ҳисоб рақамига, МФО 01101, СТИР 301 743 808 тўлашлари лозим.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни топшириши керак:

– юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, ишончли вакил иштирок этганида қонун билан белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

– жисмоний шахслар учун – паспорт нусхаси, ишончли вакил иштирок этганида қонун билан белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

Мазкур ҳужжатлар эълон чоп этилган кундан бошлаб, жамиятнинг расмий иш кунида соат 9.00 дан 16.00 гача Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй, 1-қават, 16-хонада қабул қилинади ва 2015 йил 29 июнь куни соат 16:00 да тўхтатилади.

Қўшимча маълумотларни realtorservice@mail.ru, 147-40-00 телефон рақами орқали олишингиз мумкин.

Хизматлар лицензияланган RR-№ 0008.

Тошкент вилояти ҳокимлигининг Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаментини "Тошкент вилояти ҳудудида шаҳар ва шаҳар атрофида йўловчиларни ташиш фаолиятини лицензиялаш бўйича комиссияси"нинг 2015 йил 27 майдаги 22-сонли Баённомаси қарори билан:

I. Ўзбекистон Республикасининг "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида" ги Қонунининг 23-моддасига асосан,

1.1. "FARUX-TRANS-FAXR" хусусий корхонасига "Тошкент вилояти ҳудудида йўловчиларни шаҳарда микроавтобусларда ташиш" фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган АТ серияли 000416 рақамли ва "Тошкент вилояти ҳудудида йўловчиларни шаҳар атрофида автобусларда ташиш" фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган АТ серияли 000439 рақамли лицензияларни амал қилиш муддати тугатилди.

1.2. "OQ TULPOR" масъулияти чекланган жамиятга "Тошкент вилояти ҳудудида йўловчиларни шаҳар атрофида микроавтобусларда ташиш" фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган АТ серияли 000153 рақамли ва "Тошкент вилояти ҳудудида йўловчиларни шаҳар атрофида автобусларда ташиш" фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган АТ серияли 000370 рақамли лицензияларни амал қилиш муддати тугатилди.

«MIKROKREDITBANK» АТБ
Бошқаруви томонидан
"MIKROKREDITBANK" АТБ
Тошкент вилояти Пискент филиали банк биносида 2015 йил 4 июнь куни жисмоний ва юридик шахслар билан
САЙЁР УЧРАШУВЛАР
ўтказилади.
Манзил: Тошкент вилояти, Пискент тумани, Мустақиллик кўчаси, 2-уй.

"KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Такрорий аукцион савдосига Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан, 06.03.2006 йилдаги №1-88/2006-сонли ижро варақасига асосан; Бошланғич нархи - 80 136 926 сўм бўлган, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, "Мичурин дала ховличилар" ҳудудида жойлашган, 1 қаватли, айвон, баседка, бассейн, ёзги ошхоналардан иборат бўлган 67-сонли "Дала ховли" қўйилмоқда; Такрорий аукцион савдоси 2015 йилнинг 16 июнь куни соат 11:00 да Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖнинг АТИБ "Ипотека банк" Шайхонтоҳур филиалидаги 20208000104931635001 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт, МФО 00425, СТИР 207128747, ОКОНХ 83400.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойга чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш расмий иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.

Лицензия: №0039.

Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан "Тошкент ҳақиқати" газетасининг 23.05.2015 йилдаги 39-сон нашрига берилган эълон матнига қуйидаги ўзгартиришлар киритилди

НКМК Жанубий кон бошқармаси балансидаги Ангрен шаҳри, Красногорск қўрғонида жойлашган Алоқа участкаси биноси "Объектининг сотиш қиймати 285 257 700, сўм" деб ўқилсин.

ЭЪЛОНЛАР

Диққат! Диққат! Диққат!

БАРЧА ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР, ШУ ЖУМЛАДАН ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси Инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятлар қабул қилиниши шарти билан "нол" харид қийматида сотиладиган давлат активлари бўйича очиқ танлов савдоларига таклиф этади.

Танлов савдоларига қуйидаги давлат активлари қўйилади.

№	№	Объект номи	Жойлашган манзили	Балансда сақловчи	Идоравий мансублиги	Объектнинг тавсифи	Мажбуриятлар: Объектга киритиладиган инвестициянинг энг кам миқдори (млн. сўм)	Мажбуриятлар: Объект негизида ташкил этиладиган фаолият йўналиши	Мажбуриятлар: Инвестициянинг бажарилиш муддати (ой)	Мажбуриятлар: Объектда яратиладиган янги иш ўринлари сони (дона)
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 апрелдаги ПҚ-2340-сонли қарорининг 3-иловасига асосан "ноль" харид қийматида хусусийлаштирилиши белгиланган объектлар										
1	1	"Кулол" АЖнинг бўш турган ишлаб чиқариш биноси	Ангрен шаҳри, Фарҳод кўчаси, 1	Ангрен шаҳри ҳокимияти	маъмурий бошқарув	ғишт ва бетон плита	4 000,0		3	110
2	2	Қурилиши тугалланмаган лицей биноси	Ангрен шаҳри, "Геолог" МФЙ	Ангрен шаҳри ҳокимияти	маъмурий бошқарув	ғишт, плита	1 400,0		2	40
3	3	"Кулол" АЖнинг ошхона биноси	Ангрен шаҳри, Фарҳод кўчаси, 1	Ангрен шаҳри ҳокимияти	маъмурий бошқарув	фундамент темир-бетон	300,0		2	15
4	4	"Кулол" АЖнинг тиббиёт пункти биноси	Ангрен шаҳри, Фарҳод кўчаси, 1	Ангрен шаҳри ҳокимияти	маъмурий бошқарув	фундамент темир-бетон	150,0		1,5	10
5	5	"Кулол" АЖнинг ўлчагич иншоотлари биноси	Ангрен шаҳри, Фарҳод кўчаси, 1	Ангрен шаҳри ҳокимияти	маъмурий бошқарув	фундамент темир-бетон, томи юмшоқ тўшама	300,0		1,5	15
6	6	"Ўзшахтастрой" АЖнинг учта ётоқхона биноси (ёш оилаларга мўлжалланган)*	Ангрен шаҳри, 5/2 даҳа	Ангрен шаҳри ҳокимияти	маъмурий бошқарув	бетон плита	3 500,0	уй-жой	3	-
7	7	Сув бошқармасининг фойдаланилмаётган бино ва иншоотлари	Ангрен шаҳри, Янгиобод қўрғони	Ангрен шаҳри ҳокимияти	маъмурий бошқарув	пишган ғишт	500,0		2	25
8	8	Ярим ертўла биноси	Ангрен шаҳри, 5/1а даҳа, 4	Ангрен шаҳри ҳокимияти	маъмурий бошқарув	бетон плита	600,0		2	30
9	9	Ярим ертўла биноси	Ангрен шаҳри, 5/1а даҳа, 6	Ангрен шаҳри ҳокимияти	маъмурий бошқарув	бетон плита	600,0		2	30
10	10	18-сонли мактаб филиалининг фойдаланилмаётган биноси	Ангрен шаҳри, Янгиобод қўрғони, Кончи кўчаси	18-сонли умумтаълим мактаби	таълим	ғишт, плита	1 000,0		2	50
11	11	18-сонли мактаб филиалининг фойдаланилмаётган устахона биноси	Ангрен шаҳри, Янгиобод қўрғони, Кончи кўчаси	19-сонли умумтаълим мактаби	таълим	ғишт, плита	700,0		2	50
12	12	А. Навоий номли маданият марказининг 3-сонли пункти	Ангрен шаҳри, Нуробод қишлоғи	Ангрен шаҳри маданият ва спорт бўлими	мадания ва спорт	бетон плита	1 200,0		2	50
13	13	"Қорабоғ" шифохонасининг фойдаланилмаёт-ган биноси**	Ангрен шаҳри, А. Темур кўчаси	Ангрен шаҳри марказий шифохонаси	тиббий хизмат	темир бетон, плита ва ғишт	4 000,0	тиббий хизмат ёки соғломлаштириш марказлари ташкил этиш	3	80
14	14	14-сонли мактабгача таълим муассасасининг бўш турган бино ва иншоотлари	Олмалиқ шаҳри, Навоий кўчаси	Олмалиқ шаҳри ҳокимияти	маъмурий бошқарув	пишган ғишт	500,0		2	20
15	15	Қурувчилар клубининг фойдаланилмаёт-ган биноси	Олмалиқ шаҳри, Интизор кўчаси, 9	Олмалиқ шаҳри ҳокимияти	маъмурий бошқарув	пишган ғишт	1 000,0		2	20
16	16	"Шарқий Ўзбекистон"ойна корхонасининг фойдаланилмаёт-ган лаборатория биноси	Олмалиқ шаҳри, "ГРЭ" маҳалласи	"Шарқий Ўзбекистон" ДК экспедиция ишлари	пишган ғишт	700,0		2	40
17	17	"Шарқий Ўзбекистон" корхонасининг фойдаланилмаёт-ган маъмурий биноси	Олмалиқ шаҳри, "ГРЭ" маҳалласи	"Шарқий Ўзбекистон" ДК экспедиция ишлари	пишган ғишт	600,0		1,5	25
18	18	Нотурар бино	Олмалиқ шаҳри, Туркистон кўчаси	Олмалиқ шаҳри маданият ва спорт бўлими	маданият ва спорт	пойдевори бетон, деворлари ғишт, томи шифер.	600,0		1,5	25
19	19	Архитектура бошқармасининг фойдаланилмаётган биноси	Олмалиқ шаҳри, Фахрийлар кўчаси, 25	Тошкент вилояти архитектура ва қу-рилиш назорати бош-қармаси	маъмурий бошқарув	пишган ғишт	1 000,0		2	40
20	20	Фойдаланилмаётган клуб биноси	Олмалиқ, Геологлар кўчаси	Олмалиқ шаҳри халқ таълими бўлими	таълим	ғишт	800,0		2	30
21	21	"Ёшлик" спорт залининг бўш биноси	Бекобод шаҳри, 11-даҳа, С. Раҳимов кўчаси	Бекобод шаҳри ҳокимияти	маъмурий бошқарув	ғишт ва бетон плиталари	700,0		1,5	15
22	22	Тиббиёт колледжининг фойдаланилмаётган биноси	Бекобод шаҳри, Саломатлик кўчаси, 18	Тошкент вилояти олий ва ўрта махсус таълим бошқармаси	таълим	шлакаблок ва ғиштдан қурилган	2 000,0		2	60
23	23	Репродуктив поликлиниканинг фойдаланилмаётган биноси	Чирчиқ шаҳри, "Умид" МФЙ, Боғ кўчаси	Чирчиқ шаҳри ҳокимлиги	маъмурий бошқарув	пишган ғишт ва бетон плиталан қурилган	1 000,0		2	40
24	24	Ярим ертўла биноси	Чирчиқ шаҳри, МСГ "Ҳамза" МФЙ, Заковат кўчаси, 20	Чирчиқ шаҳри ҳокимлиги	маъмурий бошқарув	пишган ғишт ва бетон плитадан қурилган	600,0		1,5	15
25	25	Ётоқхона бино ва иншоотлари*	Чирчиқ шаҳри, Ф. Ҳўжаев кўчаси	Чирчиқ шаҳри «Хусусий-Лаштириш-га кўмакла-шиш маркази» ДУК	маъмурий бошқарув	пишган ғишт ва бетон плитадан қурилган	1 000,0	уй-жой	2	-
26	26	Бўш турган бино (ГИАП биноси)	Чирчиқ шаҳри, Тошкент кўчаси, 4-уй	Чирчиқ шаҳри "Хусусий Лаштириш-га кўмакла-шиш маркази" ДУК	маъмурий бошқарув	пишган ғишт	1 100,0		2	30
27	27	"Гулистан" маданият уйининг бўш турган биноси	Оққўрғон тумани, "Аччи" МФЙ	Оққўрғон тумани маданият ва спорт ишлари бўлими	Маданият ва спорт	пишган ғиштдан қурилган	350,0		1,5	15
28	28	20-сонли мактабнинг фойдаланилмаётган клуб биноси	Оққўрғон тумани, "Мамут" МФЙ	Оққўрғон тумани халқ таълими бўлими	таълим	пишган ғишт ва бетон плитадан қурилган	300,0		2	15
29	29	Қурилиши тугалланмаган спорт зал биноси	Оҳангарон тумани, "Телов" ҚФЙ	Оҳангарон тумани ҳокимияти	маъмурий бошқарув	бетон плита, пишган ғишт	1 500,0		2	40
30	30	2-қаватли бўш турган бино	Оҳангарон тумани, Эйвалек қўрғони, ўзбекий кўчаси, 44	Оҳангарон тумани ҳокимияти	маъмурий бошқарув	пишган ғишт	400,0		2	20
31	31	Фельдшерлик участкасининг бўш турган биноси	Оҳангарон тумани, "Озодлик" МФЙ	Оҳангарон тумани ҳокимияти	маъмурий бошқарув	бетон плита, пишган ғишт	400,0		2	20
32	32	"Ангрен" ширкат хўжалигининг бўш турган 3-сонли омборхонаси	Оҳангарон тумани, "Увак" МФЙ	Оҳангарон тумани ҳокимияти	маъмурий бошқарув	бетон плита, пишган ғишт	500,0		2	30
33	33	"Ангрен" ширкат хўжалигининг омухта ем цехининг бўш турган бино ва иншоотлари	Оҳангарон тумани, "Увак" МФЙ	Оҳангарон тумани ҳокимияти	маъмурий бошқарув	бетон плита, пишган ғишт	500,0		2	30
34	34	Мактабгача таълим муассасасининг фойдаланилмаётган биноси	Бекобод тумани, "Янги ҳаёт" ҚФЙ	Бекобод тумани халқ таълими бўлими	таълим	бетон плита, пишган ғишт	800,0		3	25
35	35	Мактабгача таълим муассасининг фойдаланилмаётган биноси	Бекобод тумани, "Жумабозор", "Ҳамза" МФЙ	Бекобод тумани халқ таълими бўлими	таълим	пишган ғишт, бетон плита	300,0		2	15
36	36	Фойдаланилмаётган бино (эски дўкон биноси)	Бекобод тумани, "Чаноқ" ҚФЙ, "Қора қўйли" МФЙ	Бекобод тумани маданият ва спорт ишлари бўлими	маданият ва спорт	пишган ғишт,	1 000,0		2	20
37	37	Нон ва макарон корхонасининг бўш турган ёрдамчи биноси	Бўстонлиқ тумани, Қораманас қўрғони	Бўстонлиқ тумани ҳокимияти	маъмурий бошқарув	бетон плита	900,0		2	10
38	38	Омборхона биноси	Бўстонлиқ тумани, Биринчи кўчаси	Бўстонлиқ тумани ҳокимияти	маъмурий бошқарув	бетон плита	200,0		1,5	12
39	39	10-сонли мактабнинг бўш турган фойдаланилмаётган бино ва иншоотлари	Бўстонлиқ тумани,"Ҳонжой-лиқ" фермерлар уюшмаси	Бўстонлиқ тумани Халқ таълими бўлими	таълим	пишган ғишт ва бетон плита	500,0		2	10
40	40	Қурилиши тугалланмаган меҳмонхона бино ва иншоотлари	Бўстонлиқ тумани, Чимён қўрғони	Тошкент шаҳри "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компания-сига	маъмурий бошқарув	ғиштдан қурилган	3 500,0		3	40
41	41	Фойдаланилмаётган "Янгиовул" клуби биноси	Бўстонлиқ тумани, "Янгиовул" ҚФЙ	Бўстонлиқ тумани маданият ва спорт ишлари бўлими	маданият ва спорт	ғиштдан қурилган 1 та асосий бино ва 2 та қўшимча бино	1 200,0		2	10
42	42	Нотурар бино	Бўка тумани, "Тулистон" ҚФЙ	Бўка тумани ҳокимияти	маъмурий бошқарув	ғишт	350,0		1,5	30
43	43	32-сонли мактабнинг бўш турган биноси	Бўка тумани, "Паркент" фермер хўжалиги	Бўка тумани халқ таълими бўлими	таълим	ғишт плита	500,0		2	20
44	44	Ип-йигирув фабрикасининг қурилиши тугалланмаган биноси	Бўка тумани, "Б. Умаров" фермер хўжалиги	Бўка тумани ҳокимияти	маъмурий бошқарув	бетон плита	7 000,0		3	200
45	45	Фойдаланилмаёт-ган мактаб биноси	Қуйи Чирчиқ тумани, "Қўрғонча" ҚФЙ, "Зангор" маҳалласи	Қуйи Чирчиқ тумани халқ таълими бўлими	таълим	девор-ғишт, том-бет.плита, пол-тахта	200,0		1,5	5
46	46	Фойдаланилмаётган мактаб биноси	Қуйи Чирчиқ тумани, ҚФЙ "Қўрғонча", "Қурғонча" маҳалласи	Қуйи Чирчиқ тумани халқ таълими бўлими	таълим	девор-ғишт, том-бет.плита, пол-тахта	200,0		1,5	5
47	47	Техниклар ижодий уйининг фойдаланилмаёт-ган биноси	Қуйи Чирчиқ тумани, Дўстобод шаҳрчаси, 2- маҳалла ҳудуди	Қуйи Чирчиқ тумани халқ таълими бўлими	таълим	девор-ғишт, том-бет.плита, пол-тахта	200,0		1,5	5
48	48	Нотурар бино	Қуйи Чирчиқ тумани, Дўстобод шаҳрчаси, Муҳаммедова кўчаси	Қуйи Чирчиқ тумани халқ таълими бўлими	таълим	девор-ғишт, том-бет.плита, пол-тахта	100,0		1,5	10
49	49	Ўқув ишлаб чиқариш корхонасининг бино ва иншоотлари	Қуйи Чирчиқ тумани, "Туз" ҚФЙ, "Туз" маҳалласи	Қуйи Чирчиқ тумани ҳокимияти	маъмурий бошқарув	девор-ғишт, том-бет.плита, пол-тахта	200,0		1,5	10
50	50	Ишлаб чиқариш комплексининг бино ва иншоотлари	Қуйи Чирчиқ тумани, "Ўзбекистон 5 йиллиги" ҚФЙ, "Пахтазор" маҳалласи	Қуйи Чирчиқ тумани ҳокимияти	маъмурий бошқарув	девор-ғишт, том-бет.плита, пол-тахта	2 000,0		2	300
51	51	3-сонли мактабнинг бўш турган ошхона биноси	Қибрай тумани, "Оқ қовоқ" ҚФЙ, Олимлар кўчаси	Қибрай тумани халқ таълими бўлими	таълим	пишган ғишт, бетон плита	700,0		1,5	25
52	52	3-сонли мактабнинг бўш турган спорт зали биноси	Қибрай тумани, "Оқ қовоқ" ҚФЙ, Олимлар кўчаси	Қибрай тумани халқ таълими бўлими	таълим	пишган ғиштдан, бетон плита	600,0		1,5	30
53	53	3-сонли мактабнинг бўш турган биноси	Қибрай тумани, "Оқ-қовоқ" ҚФЙ, Олимлар кўчаси	Қибрай тумани халқ таълими бўлими	таълим	пишган ғиштдан, бетолн плитадан қурилган	3 000,0		2	100
54	54	Машина-трактор паркининг фойдаланилмаётган бино ва иншоотлари	Қибрай тумани, "Мяй" ҚФЙ, "Туркистон" маҳалласи	"Туркистон Мадад Сервис" ДУК	маъмурий бошқарув	ғишт, бетон плита	5 000,0		2	100
55	55	Маданият уйининг қурилиши тугалланмаган биноси	Паркент тумани, Намданак қўрғони	Паркент тумани ҳокимияти	маъмурий бошқарув	ғишт ва бетон плита	500,0		2	20
56	56	Гараж, устахона ва омборхона бино ва иншоотлари	Паркент тумани, "Чаяти" ҚФЙ	"Физика-Қуёш" илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси	Фанлар академияси	ғишт ва бетон плита	250,0		1,5	10
57	57	"Невич" маданият уйининг фойдаланилмаётган биноси	Паркент тумани, ССТ "Бошқизилсой" ҚФЙ, Невич қўрғони	Паркент тумани маданият ва спорт ишлари бўлими	маданият ва спорт	ғишт	500,0		2	10
58	58	"Санганак" маданият уйининг фойдаланилмаётган биноси	Паркент тумани, "Бошқизилсой" ҚФЙ, Санганак қўрғони	Паркент тумани маданият ва спорт ишлари бўлими	маданият ва спорт	капитал таъмирга муҳтож	100,0		1,5	5
59	59	Автогараж бино ва иншоотлари	Паркент тумани, ССТ "Қорақалпоқ", Ёшлик қўрғони	"Паркент Қорасув" ишлаб чиқарини бирлашма си	маъмурий бошқарув	бетон-плита	1 000,0		2	20
60	60	Фойдаланилмаётган мактаб биноси	Паркент тумани, Сўқоқ қўрғони	Паркент тумани халқ таълими бўлими	таълим	синч (каркас) мукаммал таъмирга муҳтож	1 000,0		2	20
61	61	"Нажот" шифохонасининг фойдаланилмаёт-ган биноси	Ўрта Чирчиқ тумани, "Ангор" ҚФЙ, "Ўрғиновуа" МФЙ	Ўрта Чирчиқ тумани соғлиқни сақлаш бирлашма си	тиббий хизмат	ғишт ва бетон плита	1 500,0		2	35
62	62	8-сонли мактабнинг бўш турган биноси	Чиноз тумани, "Яллама" ҚФЙ	Чиноз тумани халқ таълими бўлими	таълим	пишган ғишт, хом ғишт	400,0		2	12
63	63	Қозонхона биноси	Чиноз тумани, "Эрназаров" МФЙ	Талбиркор-лик ва қишлоқ хўжалиги коллежи	таълим	бетон	200,0		1,5	10
64	64	Фойдаланилмаётган қозонхона биноси	Чиноз тумани, 1-кичик ноҳия	Чиноз тумани ҳокимияти	маъмурий бошқарув	бетон	150,0		1,5	5
65	65	Фойдаланилмаётган маданият уйи биноси	Чиноз тумани, "Олмазор" МФЙ	Чиноз тумани маданият ва спорт ишлари бўлими	маданият ва спорт	пишган ғишт	700,0		2	20
66	66	1-сонли магазин биноси	Чиноз тумани, "Олмазор" МФЙ	"Тошвило-яттаъми-нотсавдо" ДУК	маъмурий бошқарув	пишган ғишт, хом ғишт	400,0		1,5	10
67	67	Маъмурий бино	Янгийўл тумани, Янгийўл шаҳри, "Мустақиллик" МФЙ, Гатаулин кўчаси, 14	Янгийўл тумани ҳокимияти	маъмурий бошқарув	пишган ғишт	500,0		1,5	20
68	68	Маъмурий бино	Янгийўл тумани, "Муқимий" МФЙ, Самарқанд кўчаси, 27	Янгийўл тумани ҳокимияти	маъмурий бошқарув	пишган ғишт	400,0		1,5	15
69	69	9-сонли мактабгача таълим муассасининг бўш турган бино ва иншоотлари	Янгийўл тумани, "Рамадон" МФЙ, Самарқанд кўчаси, 280	Янгийўл тумани ободон-лаштириш бўлими	маъмурий бошқарув	пишган ғишт	600,0		2	30
70	70	Маъмурий бино ва иншоотлар	Янгийўл тумани, "Гулбаҳор" ҚФЙ, Ш. Рашидов кўчаси	Янгийўл тумани ободон-лаштириш бўлими	маъмурий бошқарув	пишган ғишт	1 200,0		2	35
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 12 июлдаги ПҚ-2000-сонли Қарорининг 7-иловасига асосан "ноль" харид қийматида хусусийлаштирилиши белгиланган обеектлар										
71	1	Болалар боғчаси биноси (собиқ 42-сонли болалар боғчаси)***	Ангрен шаҳри, 5/3-даҳа	Ҳокимият	маъмурий бошқарув	бетон плита ва пишган ғиштдан қурилган	700,0	Тайёр тикувчилик ва трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш	2	50
72	2	Тугатилган собиқ "Металлург-монтаж пўлат" МЧЖнинг бино ва иншоотлари	Бекобод шаҳри, Аббосова кўчаси, 1-уй	Ҳокимият	маъмурий бошқарув	бетон плитадан қурилган	550,0	-	2	60
73	3	Енгил саноат коллежининг бўш турган 2-сонли ўқув биноси ва қурилиши тугалланмаган 1-сонли амалиёт биноси	Бекобод шаҳри, саноат ҳудуди	Ҳокимият	маъмурий бошқарув	пишган ғиштдан қурилган	500,0	-	2	50
74	4	Енгил саноат коллежининг бўш турган 3-сонли ўқув биноси, қурилиши тугалланмаган 2-сонли амалиёт биноси ва қозонхона биноси	Бекобод шаҳри, саноат ҳудуди	Ҳокимият	маъмурий бошқарув	пишган ғиштдан қурилган	400,0	-	2	40
75	5	Бўш турган "Наврўз" кинотеатри биноси****	Бекобод шаҳри, 3-даҳа	Ҳокимият	маъмурий бошқарув	бетон плита ва пишган ғиштдан қурилган	75,0	Фаолият турини 10 йилдан кам бўлмаган муддатда сақлаш шарти билан сотилади.	2	5

(Давоми 7-бетда)

(Давоми. Боши 6-бетда).

ЭЪЛОНЛАР

76	6	Фойдаланилмаёт-ган 3-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактаби биноси	Чирчиқ шаҳри, Боғ кўчаси, 1-уй	Шаҳар молия бўлими	бюджет ташкилотла-рини молиялашти-риш	пишган ғиштдан қурилган	550,0	-	1,5	15
77	7	Эски ФАП-1 биноси	Бекобод тумани, "Жумабозор" ҚФЙ	"Ҳамза" ҚВП	тиббий хизмат кўрсатиш	пишган ғиштдан қурилган	25,0	-	1,5	5
78	8	Қурилиши тугалланмаган бино	Бўка тумани, "Ачамайли" ф/у, Даштобод МФЙ	Ҳокимият	маъмурий бошқарув	бетон плитадан қурилган	275,0	-	2	40
79	9	Бўш турган маҳалла биноси	Бўка тумани, "Ровот" ҚФЙ, "Мустақил Ўзбекистон" ф/у	Ҳокимият	маъмурий бошқарув	хом ғиштдан қурилган	20,0	-	1	5
80	10	Бўш турган маҳалла биноси	Бўка тумани, "Ровот" ҚФЙ, "Мустақил Ўзбекистан" ф/у	Ҳокимият	маъмурий бошқарув	хом ғиштдан қурилган	40,0	-	1	10
81	11	Бўш турган маҳалла биноси	Бўка тумани, "Ровот" ҚФЙ, "Ўрятепа" маҳалласи	Ҳокимият	маъмурий бошқарув	пишган ғиштдан қурилган	25,0	-	1	5
82	12	Бўш турган маҳалла биноси	Бўка тумани, "Ровот" ҚФЙ, "Ровот" ф/у	Ҳокимият	маъмурий бошқарув	хом ғиштдан қурилган	30,0	-	1	5
83	13	Собиқ "Мевазор" ФАП биноси	Бўка тумани, "Кўк-ороз" ҚФЙ	Тошкент вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармаси	тиббий хизмат кўрсатиш	пишган ғиштдан қурилган	50,0	-	1	15
84	14	Бўш турган нотурар-жой биноси	Бўка тумани, "Қоракўйли" ҚФЙ, "Даштобод" МФЙ	Ҳокимият	маъмурий бошқарув	пишган ғиштдан қурилган	40,0	-	1	10
85	15	Собиқ СПТУ-40 биноси	Бўстонлиқ тумани, "Баймурзаев" маҳалласи	Ҳокимият	маъмурий бошқарув	бетон плита ва пишган ғиштдан қурилган	150,0	-	2	15
86	16	Тугатилган ПМК-3нинг фойдаланилмаётган биноси	Пискент тумани, "Ойбек" маҳалласи	Ҳокимият	маъмурий бошқарув	бетон плитадан қурилган	350,0	-	1,5	20
87	17	Янгиобод ядоси биноси	Чиноз туман, Янгиобод ҚФЙ	Ҳокимият	маъмурий бошқарув	пишган ғиштдан қурилган	100,0	-	2	15
88	18	Собиқ 39-мактаб биноси***	Чиноз тумани, Яллама ҚФЙ, "Ачамайли" маҳалласи	Туман халқ таълими бўлими	таълим	хом ва пишган ғиштдан қурилган	100,0	Тайёр тикувчилик ва трикотаж маҳсулотла-ри ишлаб чиқаришни ташкил этиш	1,5	10
89	19	Фойдаланилмаёт-ган собиқ болалар боғчаси биноси	Янгийўл тумани, Бўз сув ҚФЙ	"Умид" МЧЖнинг ижтимоий соҳа объекти	қишлоқ хўжалиги	пишган ғиштдан қурилган	100,0	-	1,5	10
90	20	Эски АТС биноси	Зангиота тумани, Кўк-сарой ҚФЙ, шифобахш сувлар кўчаси	Ҳокимият	маъмурий бошқарув	пишган ғиштдан қурилган	275,0	-	1,5	30
91	21	Собиқ болалар боғчаси бино иншоотлари (олдин 24-сонли мактабга қарашли бўлган)***	Қуйи Чирчиқ тумани, Майдонтол ҚФЙ, Жамғирчи маҳалласи	туман халқ таълими бўлими	таълим	пишган ғиштдан қурилган	550,0	Тайёр тикувчилик ва трикотаж маҳсулотла-ри ишлаб чиқаришни ташкил этиш	1,5	50
92	22	48-сонли мактабнинг собиқ бўш турган ўқув биноси	Қуйи Чирчиқ тумани, "Истиқлол" ҚФЙ, Маърифат кўчаси	туман халқ таълими бўлими	таълим	пишган ғиштдан қурилган	375,0	-	2	60
93	23	Собиқ боғча биноси	Қуйи Чирчиқ тумани, "Тошновул" ҚФЙ, Отажонов ф.х.у	туман халқ таълими бўлими	таълим	пишган ғиштдан қурилган	300,0	-	2	30
94	24	Собиқ коллеж биноси	Қуйи Чирчиқ тумани, "Тошновул" ҚФЙ, Отажонов ф.х.у	туман халқ таълими бўлими	таълим	пишган ғиштдан қурилган	100,0	-	1,5	20
95	25	Бўш турган чойхона биноси	Қуйи Чирчиқ тумани, "Гул" ҚФЙ, Гул маҳалласи	ҳокимият	маъмурий бошқарув	пишган ғиштдан қурилган	75,0	-	1,5	5
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 31 майдаги 154-сон қарорининг 3-иловасига асосан "ноль" харид қийматида хусусийлаштирилиши белгиланган объектлар										
96	1	Қурилиши тугалланмаган 2-қаватли болалар боғчаси бино ва иншоотлари	Бекобод шаҳри, 14-даҳа	ҳокимият	маъмурий бошқарув	бетон плитадан қурилган	225,0	-	2	35
*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 31 майдаги 154-сон қарорининг 4-иловасига асосан "ноль" харид қийматида хусусийлаштирилиши белгиланган объектлар******										
97	1	Олмалиқ шаҳри ободонлаштириш бошқармаси ётоқхонаси бино ва иншоотлари	Олмалиқ шаҳри, Китае кўчаси, 9Б-уй	ҳокимият	маъмурий бошқарув	бетон плитадан қурилган	150,0	тураржой	2 йил	-
98	2	Олмалиқ шаҳар Санитария бошқармаси ётоқхонасининг бино ва иншоотлари	Олмалиқ шаҳри, Китае кўчаси, 11-уй	ҳокимият	маъмурий бошқарув	бетон плитадан қурилган	150,0	тураржой	2 йил	-
99	3	Собиқ ётоқхона биноси	Олмалиқ шаҳри, «Чамбил» ҚФЙ	ҳокимият	маъмурий бошқарув	бетон плитадан қурилган	200,0	тураржой	2 йил	-
100	4	90 кишига мўлжалланган қурилиши тугалланмаган болалар боғчаси	Оққўрғон тумани, «Айтамқала» ҚФЙ, А.Навоий кўчаси	ҳокимият	маъмурий бошқарув	бетон плитадан қурилган	100,0	тураржой	2 йил	-
101	5	140-ўринга мўлжалланган қурилиши тугалланмаган болалар боғчаси	Оққўрғон тумани, Элтамқала ҚФЙ, (Конка ширкат хўжалиги)	ҳокимият	маъмурий бошқарув	бетон плитадан қурилган	100,0	тураржой	2 йил	-
102	6	Ётоқхона бино ва иншоотлари	Оҳангарон тумани, 2-кичик даҳа	ҳокимият	маъмурий бошқарув	пишган ғиштдан қурилган	200,0	тураржой	2 йил	-
103	7	Собиқ 14-сон болалар боғчаси бино ва иншоотлари	Чирчиқ шаҳри, 3-кичик даҳа	ҳокимият	маъмурий бошқарув	бетон плитадан қурилган	200,0	тураржой	2 йил	-
104	8	"ғишт инвест" МЧЖнинг ётоқхона биноси	Янгийўл шаҳри, Самарқанд кўчаси	ҳокимият	маъмурий бошқарув	пишган ғиштдан қурилган	75,0	тураржой	1 йил	-
105	9	4-сон мактабга қарашли ЎИЧК бино ва иншоотлари	Қуйи Чирчиқ тумани, Ўзакент ф/у	ҳокимият	маъмурий бошқарув	бетон плитадан қурилган	100,0	тураржой	1 йил	-
106	10	13-сон мактабга қарашли болалар боғчаси бино ва иншоотлари	Қуйи Чирчиқ тумани, Қўрғонча маҳалласи	ҳокимият	маъмурий бошқарув	пишган ғиштдан қурилган	150,0	тураржой	1,5 йил	-
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 8 июлдаги 141-сонли қарорига асосан "ноль" харид қийматида хусусийлаштирилиши белгиланган объектлар										
107	1	Фойдаланишда бўлмаган болалар боғчаси биноси	Ангрен шаҳри, 5/5-даҳа ҳудудида	шаҳри халқ таълими бўлими	таълим	бетон плитадан қурилган	250,0	иноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш	2 йил	50
108	2	Қурилиши тугалланмаган ошхона биноси	Бўка тумани, "С. Саймоқов" фермерлар уюшмаси, "Турон" қишлоқ фуқаролар йиғини	ҳокимият	маъмурий бошқарув	пишган ғиштдан қурилган	500,0	иноозиқ-овқат истеъмол товарла-ри ишлаб чиқариш	2 йил	30
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 27 апрелдаги 120-сонли қарори 2-иловасига асосан "ноль" харид қийматида хусусийлаштирилиши белгиланган объектлар										
109	1	Фойдаланилмаётган ва бўш турган қурилиши тугалланмаган болалар дам олиш маскани	Пискент тумани, «Оқтепа» ҚФЙ	ҳокимият	маъмурий бошқарув	пишган ғиштдан қурилган	250,0	-	2 йил	15

* Объектлар тадбиркорлик субъектлари томонидан мукаммал таъмирланиб, уй-жой сифатида сотилади, бунда бунёд этилган уй-жой фондининг 10 фоизи аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига, хусусан, вояга етмаган етим болаларни ва ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг фарзандларини уй-жой билан таъминлаш мақсадида маҳаллий туман (шаҳар) ҳокимликлари тасарруфига ўтказилади.

**Объект тиббий хизмат ёки соғломлаштириш марказлари ташкил этиш шарти билан сотилади. Агарда объектнинг дастлабки савдолари бўлиб ўтгандан сўнг бир ой давомида сотилмаган тақдирда чегараланмаган фаолият тури билан сотилади.

*** Тайёр тикувчилик ва трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш шарти билан сотилади (савдога қўйилганидан кейин 6 ой муддат ичида сотилмаган тақдирда чегараланмаган фаолият тури билан сотилади).

**** Фаолият турини 10 йилдан кам бўлмаган муддатда сақлаш шарти билан сотилади.

***** Объектлар тадбиркорлик субъектлари томонидан мукаммал таъмирланиб, уй-жой сифатида сотилади, бунда бунёд этилган уй-жой фондининг 20 фоизи аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига, хусусан, вояга етмаган етим болаларни ва ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг фарзандларини уй-жой билан таъминлаш мақсадида маҳаллий туман (шаҳар) ҳокимликлари тасарруфига ўтказилади.

Инвестиция киритиш мобайнида яратилган ишчи ўринлари, ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш йўлга қўйилгандан сўнг кейинги 1 йил давомида сақланади.

Танловда ғолиб деб топилган талабгор шартнома имзоланган кейин 30 кун муддат ичида танлов объектини мустақил баҳоловчи ташкилот томонидан баҳолатади, бунда баҳолашга кетадиган сарф харажатлар танлов ғолиби томонидан қопланади.

Инвестиция киритиш шарти билан "нол" харид қийматида хусусийлаштиришда инвестор томонидан инвестиция киритиш муддати тугаб, ишлаб чиқариш йўлга қўйилгандан сўнг, хусусийлаштирилган объектининг 60 фоиздан кам бўлмаган ҳудуди (бино ва иншоотлар) ишга туширилган ва ишлаб чиқариш билан банд бўлган бўлиши лозим.

Танлов савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Танловда қатнашиш учун муҳрлаб қўйилган таклифлар ушбу эълон берилган пайтдан бошлаб ҳар иш кунлари 900 дан 1800 гача қабул қилинади ҳамда 2015 йил 26 июнь 1800 да тўхтатилади ва танлов бўлиб ўтмаганда оммавий ахборот воситаларида олдиндан эълон қилинган санасидан ва конвертларни очиш вақтидан икки иш куни олдин тўхтатилади.

Талабгорларнинг таклифлари билдирилган конвертлари 2015 йил 1 июль куни, соат 900 да Тошкент вилояти ҳокимлиги биносининг 4-қаватидаги конференция залида очилади.

Танлов савдоси ушбу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2015 йил 15 июль кунлари ва ҳар ойнинг биринчи ҳамда учинчи чоршанба кунлари, соат -900 да бўлиб ўтади.

Танлов ҳужжатларида ва қўшимча маълумотларни олиш мумкин бўлган манзил: 100077, Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 107-уй манзилида жойлашган

Давлат рақобат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси

Танловда қатнашиш учун талабгор ёки унинг ваколатли вакили шахсан ёхуд почта орқали ҳудудий танлов комиссиясининг ишчи органига танлов тўғрисидаги хабарномада белгиланган муддатда танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда икки нусхада буюртманома тақдим этади:

танловда қатнашиш истаги билдирилган ариза;

нодавлат юридик шахслар учун - давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, таъсис ҳужжатларининг нусхаси ҳамда ваколатли вакилнинг танловда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхасини илова қилган ҳолда;

жисмоний шахслар учун - паспорт нусхаси, танловда ваколатли вакил қатнашганда шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхасини илова қилган ҳолда;

икки нусхадаги муҳрланган конвертга солинган танлов ҳужжатларига мувофиқ тузилган танлов таклифи, унда қуйидагилар бўлиши керак:

бизнес-режани бажариш, асбоб-ускуналар етказиб бериш (назарда тутилган бўлса) муддатлари, ишлаб чиқариш режалаштириладиган маҳсулот турлари ёхуд кўрсатиладиган хизматлар рўйхати ва уларнинг рақобатбардошлилиги, хом ашё, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, мавжуд асбоб-ускуналардан ва ишлаб чиқариш майдонларидан фойдаланиш тадбирлари, кутилаётган иқтисодий самара кўрсатилган бизнес-режа, шу жумладан инвестиция киритиш режаси;

инвестиция мажбуриятларининг таклиф этилаётган суммаси, инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятларнинг тури, муддати ва уларни бажариш, шу жумладан давлат мулки объектини молиявий-иқтисодий соғломлаштириш ёки унинг ҳудудидан хўжалик жиҳатидан фойдаланиш шартлари;

Талабгорнинг молиявий жиҳатдан тўловга қодирлигини ва (ёки) тегишли тармоқда илғари амалга оширилган инвестиция лойиҳаларини тасдиқловчи ҳужжатлар.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Мурожаат учун манзил: 100077, Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 107-уй. Маълумот учун телефонлар: (0-371) 268-23-21, 268-29-77.

Факс: (0-371) 268-29-44. Электрон почта манзили tashreg@gki.uz Интернет тармоғидаги веб-сайт: www.gki.uz, www.gkitorg.uz, www.tashvil.gov.uz.

Ҳурматли тадбиркорлар ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг

(0-371) 259-21-37 ёки Тошкент вилояти рақобат бошқармасининг (0-371) 267-74-64 рақамли Ишонч телефонларига шунингдек Тошкент вилояти ҳокимлигининг (0-371) 232-80-25 телефон рақамларига зудлик билан хабар беришингиз сўралади.

Савдоларга марҳамат қилинг!

Шунингдек, Тошкент вилояти ҳудудий танлов комиссияси томонидан:

Тошкент вилояти, Бекобод тумани, Далварзин КФЙ, Бобур Мирзо маҳалласи ҳудудида жойлашган "Бўш турган маданият уйи биноси" "Daurjon shodiyor" МЧЖга объектда 18 ой муддат ичида "тикувчилик фаолиятини ташкил этиш" учун 1000,0 млн.сўм миқдорида инвестиция мажбуриятларини бажариш ҳамда 25 та янги иш ўринларини яратиш;

Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри, Фурқат кўчаси, 10-уйда жойлашган "Олмалиқ шаҳар Тиббиёт бирлашмасининг эски кир ювиш биноси" "Flora universal trading" МЧЖга объектда 18 ой муддат ичида "халқ истеъмол моллари (кир ювиш кукуни ҳамда эркаклар устараси) ишлаб чиқаришни ташкил этиш" учун 200,0 млн. сўм миқдорида инвестиция мажбуриятларини бажариш ҳамда 10 та янги иш ўринларини яратиш;

Тошкент вилояти, Чиноз туман, "Туркистон" КФЙ, "Т. Эрназаров" массив, Маданият маҳалласи ҳудудида жойлашган "24-болалар боғчанинг эски биноси" "Mirahmedova to'lg'onoy" фермер хўжалигига объектда 18 ой муддат ичида "балиқ овлаш ҳамда ов тўрлари маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш" учун 480,0 млн. сўм миқдорида инвестиция мажбуриятларини бажариш ҳамда 20 та янги иш ўринларини яратиш;

Тошкент вилояти, Чиноз тумани, "Янги Чиноз" қишлоғи, Наврўз кўчаси ҳудудида жойлашган "Янги Чиноз" болалар боғчасининг эски биноси

"Mirahmedova to'lg'onoy" фермер хўжалигига объектда 18 ой муддат ичида "балиқни қайта ишлаш, сақлаш ҳамда музлатгичхона фаолиятини ташкил этиш" учун

150,0 млн. сўм миқдорида инвестиция мажбуриятларини бажариш ҳамда 6 та янги иш ўринларини яратиш;

Тошкент вилояти, Қуйи Чирчиқ тумани, "Ўзбекистон беш йиллиги" ҚФЙ, Бирлик маҳалласида жойлашган "Собиқ болалар боғча бино ва иншоотлари" "Do'stobod meva sabzavot tayyorlov" МЧЖга объектда 18 ой муддат ичида "қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш (музлатгичхона) фаолиятини ташкил этиш" учун 550,0 млн. сўм миқдорида инвестиция мажбуриятларини бажариш ҳамда 15 та янги иш ўринларини яратиш;

Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳри, 5/2 кичик ноҳия ҳудудида жойлашган "Қурилиши тугалланмаган турар жой бино ва иншооти" "Zafar-impeks" МЧЖга объектда

10 ой муддат ичида "маиший техника маҳсулотлар (тифал чойнаклари) ишлаб чиқаришни ташкил этиш" учун 600,0 млн. сўм миқдорида инвестиция мажбуриятларини бажариш ҳамда 21 та янги иш ўринларини яратиш;

Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, 2/2-даҳа ҳудудида жойлашган, "Қурилиши тугалланмаган болалар боғчаси" "Zafar-impeks" МЧЖга объектда 10 ой муддат ичида "маиший техника маҳсулотлар (вентилятор) ишлаб чиқаришни ташкил этиш" учун 2200,0 млн. сўм миқдорида инвестиция мажбуриятларини бажариш ҳамда 200 та янги иш ўринларини яратиш;

Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, 10-кичик даҳа ҳудудида жойлашган, Чирчиқ шаҳар ҳокимлигига қарашли "Собиқ 25-сон болалар боғчаси бино ва иншоотлари"

фуқаро Турдиев Абдурасул Хамидовичга объектда 18 ой муддат ичида "уй жой сифатида таъмирлаш" учун 1025,0 млн. сўм миқдорида инвестиция мажбуриятларини бажариш;.

Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, 8-кичик даҳа ҳудудида жойлашган, Чирчиқ шаҳар ҳокимлигига қарашли "Собиқ 24-сон болалар боғчаси бино ва иншоотлари"

фуқаро Турдиев Абдурасул Хамидовичга объектда 18 ой муддат ичида "уй жой сифатида таъмирлаш" учун 775,0 млн. сўм миқдорида инвестиция мажбуриятларини бажариш;

Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри Регистон кўчаси 2-уй ҳудудида жойлашган, Тошкент вилояти Ҳалқ таълим бошқармаси балансидаги "Бўш турган маъмурий бино"

Фуқаро Анорхон Тўхтаматовага объектда 15 ой муддат ичида "маиший хизмат (маросимлар ўтказиш) умумий овқатланиш ҳамда эшик ва ромлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш" учун 620,0 млн. сўм миқдорида инвестиция мажбуриятларини бажариш ҳамда 45 та янги иш ўринларини яратиш;

Тошкент вилояти, Қуйи Чирчиқ тумани, "Ўзбекистон беш йиллиги" ҚФЙ, Пахтазор маҳалласи ҳудудида жойлашган, Қуйи Чирчиқ туман халқ таълими бўлими балансидаги "Мусиқа мактабининг эски биноси" "Do'stobod meva sabzavot-tayyorlov" МЧЖга 18 ой муддат ичида объектда "матрас ишлаб чиқаришни ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашни ташкил этиш" учун 300,0 млн. сўм миқдорида инвестиция мажбуриятларини бажариш ҳамда 30 та янги иш ўринларини яратиш;

Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Чорбоқ қўрғони, Чинор маҳалласи ҳудудида жойлашган 4-қаватли ётоқхона биноси" "PLASTEKS" МЧЖ ҚКга 18 ой муддат ичида объектда "мехмонхона фаолиятини ташкил этиш" учун 3850,0 млн. сўм миқдорида инвестиция мажбуриятларини бажариш ҳамда 32 та янги иш ўринларини яратиш;

Тошкент вилояти, Оққўрғон тумани, "Эркинлик" ҚФЙ ҳудудида жойлашган "Қишлоқ-хўжаликкимё" АЖ Оққўрғон туман филиали балансидаги "Минерал ўғит сақлаш омборхона биноси" "Durdona" фермер хўжалигига объектда 24 ой муддат ичида "чорвачилик фаолиятни ташкил этиш" учун 330,0 млн.сўм миқдорида инвестиция мажбуриятларини бажариш ҳамда 12 та янги иш ўринларини яратиш шартлари билан сотилганлигини маълум қиламиз.

Шайхонтоҳур тумани ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "YOQUB AXMEDOV USLUBI" МЧЖ Шайхонтоҳур тумани ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "YOQUB MAHORATI" нодавлат таълим муассасасига ўзгаришини маълум қилади.

Шайхонтоҳур тумани ТСРЎИ томонидан № 000881-09 реестр рақами билан рўйхатга олинган "RUFAT BARAKA" МЧЖнинг устав жамғармаси 14 962 695 сўмдан 5 000 000 сўмга камайишини маълум қилади.

Тошкент полиграфия техникуми томонидан 1988 йилда Мухамеджанова Гулноза Якубовна номига берилган ИТ-I № 195301 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Сергели тумани ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "FOOD DISTRIBUTION SERVICE" МЧЖга тегишли бўлган бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

"QURAMA FAYZLI NONI" МЧЖнинг устав жамғармаси 80 330 000 сўмдан 5 000 000 сўмга камайишини маълум қилади.

Яккасарой тумани ҳокимияти ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан Аския кўчаси, 29-уй манзили бўйича рўйхатга олинган "YAKKASAROY TUMANI KOMMUNAL TA'MIRLASH AVARIYANI TIKLASH XIZMATI" (ИНН 203827956) МЧЖ тугатилади (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.04.2015 йилдаги ПП 2340-сонли Қарорига асосан). Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида (+99894) 684-05-20 телефон рақами орқали қабул қилинади.

Тошкент шаҳар Учтепа тумани ТСРЎИ томонидан 08.09.2014 йилда № 006734-01 реестр рақами билан рўйхатга олинган "HAPPY GHILDHOOD" (ИНН 303042658) нодавлат таълим муассасаси тугатилади (таъсисчиларнинг 21.05.2015 йилдаги йиғилиш қарорига асосан). Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Янги Лабзак кўчаси, 81-А уйда қабул қилинади.

Тошкент шаҳар Учтепа тумани ТСРЎИ томонидан 29.09.2009 йилда № 003143-01 реестр рақами билан рўйхатга олинган "KOINOT TUR BIZNES" (ИНН 301332163) МЧЖга тегишли бўлган бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

"MUBIN FOOD" МЧЖнинг устав жамғармаси 96 356 200 сўмдан 91 900 000 сўмга камайишини маълум қилади.

Зангиота тумани ТСРЎИ томонидан 08.01.2014 йилда № 4579 реестр рақами билан рўйхатга олинган, Зангиота тумани, Келес шаҳри, Оқибат кўчаси, Омборхона биносида жойлашган "LIBRO BIANCO" (ИНН 302784717) МЧЖ тугатилади (22.05.2015 йилдаги баённомага асосан). Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 давомида Зангиота тумани, Келес шаҳри, Оқибат кўчаси, Омборхона биносида қабул қилинади.

Миробод қурилиш касб-ҳунар коллежи томонидан 2012 йилда Қорабоев Улуғбек Очилди ўғлига берилган К № 2724409 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент Давлат иккинчи тиббиёт институти томонидан 2001 йилда Кузиев Акмалжон Ибрагимович номига берилган № 262300 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Аввал С. Раҳимов тумани ТСРЎИ томонидан 23.06.2011 йилда № 000398-05 реестр рақами билан рўйхатга олинган "TRANSJIHOZ" (ИНН 205194541) МЧЖ тугатилади (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.04.2007 йилдаги ПҚ-630-сонли Қарорига асосан). Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида (+99890) 965-30-79 телефон рақами орқали қабул қилинади.

Чилонзор тумани ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "ANDIJON TAYYORLOV LYUKS SAVDO" МЧЖнинг устав жамғармаси 412 458 862 сўмдан 341 805 602 сўмга камайишини маълум қилади.

Сергели тумани ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан 24.05.2012 йилда № 0606956 реестр рақами билан рўйхатга олинган якка тартибдаги тадбиркор Бердиев Жовлон Зафар ўғлига берилган гувоҳнома (патент), думалоқ муҳр ҳамда бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Сергели тумани ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "GREEN WAY STAR" МЧЖ Пискент тумани ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "INTER GRAND PRODUKT" МЧЖга бирлашишини маълум қилади. Даъволар Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, С. Машходий кўчаси, 210-уйда қабул қилинади.

Сергели тумани ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "VERITABLE ACCESS" МЧЖ Пискент тумани ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "INTER GRAND PRODUKT" МЧЖга бирлашишини маълум қилади. Даъволар Тошкент шаҳри, Янги Сергели кўчаси, 22-уйда қабул қилинади. Телефон: (+99890) 927-82-26.

Тошкент вилояти Бекобод шаҳрида рўйхатга олинган "OPTIMUM PROSPERIS" МЧЖ Пискент тумани ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "INTER GRAND PRODUKT" МЧЖга бирлашишини маълум қилади. Даъволар 595-85-70 телефон рақами орқали қабул қилинади.

Шайхонтоҳур тумани ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "GANDY ART BUSINESS" МЧЖ Пискент тумани ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "INTER GRAND PRODUKT" МЧЖга бирлашишини маълум қилади. Даъволар Тошкент шаҳри, Ибн Сино 2-мавзе, 17-уй, 105-хонадонда қабул қилинади. Телефон: (+99890) 974-30-14.

"BERNOS INVEST" МЧЖга тегишли бўлган бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Олмазор тумани ТСРЎИ томонидан 27.05.2011 йилда гувоҳнома рақами № 005587 билан рўйхатга олинган "FIRDAVS KOSHONASI" МЧЖга тегишли бўлган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Зангиота тумани ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан 10.03.2015 йилда № 5156 реестр рақами билан рўйхатга олинган, Зангиота тумани, Қатортол ҚФЙ, Қоравой тўпи МФЙ, Наврўз 3-тор кўчаси, 7-уйда жойлашган "FERUZ SHAXRUZ BIZNES" (ИНН 303251674) оилавий корхонаси тугатилади (таъсисчининг 26.05.2015 йилдаги 1-сонли йиғилиш баённомасига асосан). Телефон: (+99893) 750-94-68.

Тошкент вилояти Зангиота туманида рўйхатга олинган якка тартибдаги тадбиркор Эгамбердиев Асадулла Исматиллаевичга тегишли бўлган гувоҳнома (патент) йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Учтепа тумани ТСРЎИ томонидан 06.03.2007 йилда № 001451-01 реестр рақами билан рўйхатга олинган "BAH-FAYZ-DIL TEKS" (ИНН 300329561) МЧЖга тегишли бўлган бурчак тамғаси ҳамда думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Миробод тумани ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "1-SON TERI-TANOSIL KASALLIKLARI DISPANSERI" (ИНН 204648138) муассасаси тугатилади (Миробод тумани, тиббиёт бирлашмаси, марказий кўп тармоқли поликлиникасининг 28.05.2015 йилдаги 136-сонли буйруғига асосан). Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида 962-33-06 телефон рақами орқали қабул қилинади.

Тошкент вилояти Зангиота тумани ТСРЎИ томонидан 09.01.2015 йилда № 5066 реестр рақами билан рўйхатга олинган, Зангиота тумани, "Қизғалдоқ" ҚФЙ, ТАХЙ ёқасидаги "A.U.YU" МЧЖ биносида жойлашган "ABDUAZIMXO'JA OMAD BARAKA" (ИНН 303165741, ОКПО 25394336) МЧЖ тугатилади (28.05.2015 йилдаги 2-сонли қарорга асосан). Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида (+99897) 131-00-57 телефон рақами орқали қабул қилинади.

Шайхонтоҳур тумани ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "ROTOR-GARANT" (ИНН 207201292) МЧЖнинг устав жамғармаси 211 070 000 сўмдан 200 000 000 сўмга камайишини маълум қилади. Телефон: (+99890) 963-57-77.

"KASANA-SERVIS" МЧЖнинг устав жамғармаси 229 043 769 сўмдан 149 043 769 сўмга камайишини маълум қилади.

1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

КАМАЛАК ЖИЛОСИ БОЛАЛАР НИГОҲИДА

Ёшлар ижод саройида "Камалак жилоси" болалар расмлари кўрик-танловининг якуний босқичи ўтказилди. Унда Меҳрибонлик уйларида тарбияланётган ўғил-қизлар ўз ижод намуналари билан қатнашди.

"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди раиси ўринбосари Н. Мўминов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ижтимоий ҳолати, миллатидан қатъи назар, барча болаларнинг билим олиши, саломатлигини мустаҳкамлаши, ўз ижодий-интеллектуал салоҳиятини юзага чиқариши учун яратилаётган имкониятлар кўлами тобора кенгайиб бораётганини таъкидлади.

Навқирон авлодда Ватанга муҳаббат, миллий истиқлол ғояларига садоқат, анъана ва қадриятларимизга ҳурмат, меҳр-саховат туйғуларини мустаҳкам қарор топтиришда нуроний отахон ва онахонларнинг ҳиссаси беқиёсдир. "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури доирасида мазкур йўналишдаги ишлар ҳажмини тобора кенгайтириш муҳим вазифа сифатида белгиланган.

"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди томонидан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Бадиий академия, "Sen yolg'iz emassan" Республика жамоатчилик болалар жамғармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ташкил этилган кўрик-танловда ўғил-қизларнинг она-Ватан, тинч ва осойишта ҳаётимиз, нуроний отахон ва онахонлар, юртимиз табиати манзаралари акс эттирилган расмлари танлаб олинди.

Ижодий лойиҳада юртимиздаги Меҳрибонлик уйларининг 1400 нафардан ортиқ ўғил-қизи ўз ижодий ишлари – расм, аппликация, чеварлик, каштачилик ишлари билан қатнашди.

Тадбир якунида барча ғолиб ва совриндорларга диплом ва совғалар топширилди.

Н. УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

КИТОБХОН ОИЛАЛАР

Бекобод шаҳар мактаблари ўқувчилари оилалари ўртасида "Мен, ота-онам, бобом ва бувим – китобхон оила" мавзуида кўрик-танлов бўлиб ўтди.

Шаҳар халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими ташаббуси билан 7-умумтаълим мактабида ўтказилган тадбирда иштирокчилар таништирув, "Кексаси бор хонадон – файзли хонадон", баҳру байт айтишуви, эркин мавзу каби шартлар бўйича беллашдилар.

– Ушбу танловни ташкил этишдан мақсад оилаларда китобхонликни тарғиб қилиш орқали ўқувчиларнинг маънавий дунёсини бойитиш, уларда мустақил ва танқидий фикрлашни шакллантириш, турли маънавий таҳдидларга нисбатан соғлом иммунитетни ривожлантиришдан иборат, – дейди туман халқ таълими мудири Б. Қурбонов.

Қизиқарли ўтган тадбирда 2-умумтаълим мактаби ўқувчиси Нигора Маъмурова оиласи биринчи ўринга лойиқ деб топилди. 11-умумтаълим мактаби ўқувчиси Орзигул Рў-зиева, 9-мактаб ўқувчиси Севара Қурбонова оилалари 2-ва 3-ўринларга сазовор бўлдилар.

Каримқул БОБОҚУЛ ўғли.

– Бир қултумгина сув ичиб ол, сингилжон...

Қобилжон ҒОФУРОВ сурат-лавҳаси.

Митти ҳикоя

БАЙРАМ МУЗҚАЙМОҒИ

Кичкинтойларнинг бирор қилиғи ёки гап-сўзини айтиб, завқланмайдиган одам бормикин?

Менимча йўқ. Чунки боланинг тили ширин-да.

Миржалол – кенжа ўғлимиз бўлади. Яқинда бешга тўлди. Яширишнинг ҳожати йўқ, футбол бўйича терма жамоамиз бош мураббийи Қосимовга азбаройи ихлосимиз зўрлигидан арзандамизга шундай исм қўйганмиз. Ишқибозлик дарди қурсин. Бултурдан бошлаб унинг исмидан учта ҳарфни қисқартириб чақирадиган бўлганмиз: Жалол!

Аммо ҳозир гап бу ҳақда эмас.

Ҳар йили халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни яқинлашганда, кичкинтойларни бирор нима билан хурсанд қилгимиз келади. Бу йил ҳам шу анъанани бузмай, болажонларни етаклаб, пойтахтимиздаги истироҳат боғларидан бирига келдик. Байрам байрамдек бўлсин-да. Болаларга қўшилиб, хилма-хил аттракционларда қий-чув қилиб учдик, эртак қаҳрамонлари билан суратга тушдик. Кичкина меҳмонларни лаваш ва албатта, биттадан музқаймоқ билан сийладик.

Аттанг, йўлга чиқаётганимизда Жалолтойнинг аяси "Музқаймоқ емасин-а, тамоғи энди тузалди", деб тайинлаб юборганди. Аммо бу илтимосни бажаришнинг ҳеч иложи бўлмади. Жалолбой оғзи-бурнини шоколаду қаймоққа белаб, каттакон музқаймоқни бир ўзи пок-покиза туширди.

Даструмолимни ҳўллаб, кенжатойимизнинг шира ёпишган юз-қўлини яхшилаб артарканман, тайинладим:

– Уйга борганда, музқаймоқ олиб берганимни аянгга айтмагин, хўпми?

Жалолтой туйқус ниго-ҳини қадади:

– Айтсам, аям уйишадилами?

– Ҳа, "уйишади", – дедим мен ҳам унга таклидан "р"ни айтмай.

Тушдан кейин уйга қайтдик. Болаларнинг оғзи қулоғида. Жалолтой уйда қолган аясига нимада учганию қандай расмга тушганларини ҳаммасини оқизмай-томизмай гапириб берди. Аммо... келишганимиздек, музқаймоқ масаласида оғиз очмади. Аяси ҳам сўрамади.

Кечки овқатдан сўнг, оиламиз жам бўлиб, у ёқ-бу ёқдан гурунглашиб ўтирдик. Бешинчи синфга ўтган катта ўғлим Билол француз ёзувчиси Антуан де Сент-Экзюперенинг "Кичкина шаҳзода" китобини ўқиб тугатгани, айрим жойларини тушунмагани, бошланғич синфдаги қизим Лайло эса янги ўқув йилидан музиқа мактабига бормоқчи эканини айтди.

Шу тобда уйимизга энг қадрли меҳмонлар – набираларини кўргани бува ва бувижонлари келиб қолишди. Улар олиб келган каттагина қутининг ичи тўла музқаймоқ экан.

Меҳмон олиб келган ширинликдан дастурхонга тортиш таомилда бор. Қайнота ва қайнонаси йўқловидан ўзида йўқ севинган аёлимиз ҳаммамизга биттадан музқаймоқ олиб келди. Жалолтойга эса косага солиб, музини "ўлдириб" келибди.

Олдига сочиқ тутиб қўйилган Жалолтой музқаймоқни боягидай шошапиша, лаб-лунжини буркаб охиригача маза қилиб еб бўлди-да, худди ўзига ўзи гапиргандай:

– Оҳ-оҳ-оҳ, зўлакан! – деди яна "р"ни талаффуз қилолмай. – Умлимда билинчи майта ейишим, ўзиям...

Унинг гапига хандон отиб кулвордим. Қарасам, "зумраша"нинг ўзиям менга қараб ҳали қаймоғи кетмаган тилини чиқариб, тиржайиб ўтирибди. Шу тобдаги кулгининг боисини дастурхон атрофида икки киши тушунди: мену Жалолтой.

Муҳаммад АЪЛО.

ФИФА: ПОРАХЎРЛАР ИШДАН КЕТДИ

Футбол ассоциациялари халқаро федерацияси этикаси бўйича комиссия 11 амалдорни ҳам миллий, ҳам халқаро даражада футбол билан боғлиқ ҳар қандай фаолиятдан четлаштириш ҳақида қарор қабул қилди.

"Айблов фақат футбол билан боғлиқ бўлиб, ниҳоятда жиддий эканлиги боис зудлик билан шундай чора қўллашга тўғри келди, – деди этика бўйича комиссия арбитраж палатаси вакили Ханс Йоахим Эккерт. – Текширув ишлари ФИФА этика Кодексига мувофиқ навбати билан давом этади".

27 май куни Цюрех шаҳрида ФИФА ижроқўми вице-президентлари Жеффри Уэбб ва Эухенио Фигередо, собиқ вице-президент Жек Уорнер, федерация амалдорларидан Хулио Роча, Эдуардо Ли, Костас Таккас, Рафаэл Эскуивел, футбол бўйича Жаҳон чемпионати ташкилий қўмитаси аъзоси Хосе Мария Марин қамоққа олиндилар. Улар 2018 ва 2022 йилларда Россия ҳамда Қатарда ўтадиган Жаҳон футбол чемпионати жойини танлашда пора олганликда гумон қилинмоқда. ФИФА президенти Блаттер тергов ўтказилишини қувватлади.

ЕЛИЗАВЕТА II НУТҚИ НОРОЗИЛИК УЙҒОТДИ

Бир неча минг киши қиролича Елизавета II нутқини тинглаб, ҳукуматнинг қатъий тежамкорлик дастуридан норози бўлиб, Лондонда намойиш ўтказгани ҳақида хабар тарқатди The Mirror нашри.

Намойишчилар аввал Трафалгар майдонида тўпланишиб, сўнг Парламент-Сквер томон ҳаракатландилар. Акция давомида айрим иштирокчилар полициячилар билан тўқнашувлар келтириб чиқаришди. Ўз навбатида полициячилар махсус таёқчаларни ишга солишга мажбур бўлдилар. Намойишчилар икки гуруҳга бўлинишиб, бир қисми Оксфорд-стрит, иккинчи қисми эса Рижент-стрит бўйлаб ҳаракат қилиб, яна Трафалгар майдонига қайтдилар. Бу ерда иштирокчиларнинг бир қисми кўчаларга ўтириб олиб, ҳаракатни тўхтатиб қўйишди. Маълум қилинишича, тартибсизлик келтириб чиқарган беш киши ҳибсга олинган.

Дарвоқе, қиролича Елизавета II ҳукумат томонидан тузиб берилган нутқида вазирлар маҳкамасининг навбатдаги парламент йили учун белгиланган дастурни баён этган эди.

КЕНИЯЛИК ЮРИСТ ОБАМАНИНГ ҚИЗИГА УЙЛАНМОҚЧИ

Кениялик юрист Феликс Кипроно АҚШ президенти Барак Обаманинг катта қизи Малияга уйланмоқчи эканини маълум қилди.

The Washington Times газетасининг хабар беришича, Кипроно келиннинг қалини сифатида 70 бош қўй, 50 бош сигир, 30 бош эчки беришга тайёр. Маълумки, Обама шу йил июль ойида Кенияга ташриф буюради. Феликс шундан фойдаланиб, Америка президентига мурожаат қилмоқчи. "Одамлар мени пул учун шундай қилмоқчи, деб ўйлашлари мумкин. Аммо, аслида бундай эмас", деди Кипроно. У тўйдан кейин хотини билан оддий ҳаёт кечирмоқчи. "Мен Малияни сигир соғишга, жўхори гўжаси ва ўзимизнинг миллий ичимлигимизни тайёрлашга ўргатаман", дея таъкидлади Феликс.

Дарвоқе, Барак Обама АҚШда туғилган, аммо унинг отаси асли кениялик.

ТЕХАС ВА ОКЛАХОМАДА ҚУЮН ВА ТОШҚИН

АҚШнинг Техас ва Оклахома штатларида хуруж қилган қуюн ва сув тошқинлари қурбонлари кейинги кунларда 21 кишига етгани ҳақида хабар тарқатди CNN телекомпанияси.

Телекомпаниянинг маълумотларига қараганда, 11 киши табиий офат туфайли бедарак йўқолган. Кучли ёмғир давом этиб, дарёлардаги сув сатҳи кўтарилиб бормоқда. Бу нафақат табиий офат оқибатларини йўқотишни қийинлаштирмоқда, шу билан бирга кўплаб кишиларни уйларини ташлаб кетишга мажбур қилмоқда. Ушбу штатлар маъмурияти табиий офат келтирган зарар ҳақида маълумот бермаяпти. Фақат юзлаб уйлар вайрон бўлгани, ўн минглаб аҳоли эвакуация қилингани, ўнлаб километр автомобиль йўллари ярақсиз ҳолга келгани айтилмоқда, холос.

КЕМА КАПИТАНИ ЎЗ ЖОНИГА ҚАСД ҚИЛДИ

Парагвайнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари денгиз орқали Уругвай пойтахти Монтевидеога бораётган кема бортидан 13 тонна наша топиб, мусодара қилдилар.

Жанубий Америка республикасининг гиёҳванд моддаларга қарши кураш миллий котибияти маълумотларига қараганда, умумий қиймати 10 миллион долларга тенг гиёҳванд модда кемадаги контейнерлардан бирига жойлаштирилган экан.

Жиноий юк фош қилиниб, мусодара этилгач, кемани 53 ёшли капитани тўппонча орқали ўз жонига қасд қилди. Энди полиция кеманинг 9 кишидан иборат жамоаси аъзоларини сўроқ қилмоқда.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Қилмиш-қидирмиш

ГИЁҲВАНДЛИК – УМР ЗАВОЛИ

ёки осонгина мўмай даромад илинжи қафасга етаклаган гумроҳлар

Шундай, ноқонуний даромад йўллари ҳеч қачон ёруғ манзилга элтмаган.

Биз қаламга олаётган жиноий ишлар қаҳрамонлари ҳам билиб-билмай шу йўлга кирганлардан. Ачинарлиси, улар онгли ҳаётини эндигина бошлаётган йигирма-ўттиз ёшли йигитлар. Айримлари тўқликка шўхлик қилиб ёки ота-она назоратсизлиги оқибатида оғуни "бир татиб кўриш" ҳавасида бу тузоққа илинган кимсалар бўлса, аксарияти уни олиб-сотиш орқали даромад кўриш орзусида қафасга тушган шахслардир.

Навқирон ёшдаги Уйғун Ботировнинг (исм-шарифлар ўзгартирилган) еб-ичишда, кийинишда бировдан кам жойи йўқ, тагида "Ниссан" русумли автомобиль. Ёш йигит бу ҳаёт неъматларидан тўғри, ақл билан фойдалана олмади, тўқлик шўхликка етаклади. Қачондир, қайсидир ўртоғининг қўлидан олиб, татиб кўрган гиёҳванд модданинг "кайфи" уни ўз домига торта бошлади. Ўртоқ эса ҳар доим уни текинга чектиравермайди, пул керак. Пул бўлгандаям, даста-дасталаб керак.

Бир куни ҳамкашанда ўртоғи Андрей бировга сотиш учун ундан гиёҳвандлик моддаси топиб беришни сўради. Уйғун терговда шахсини аниқлашнинг имкони бўлмаган Радик исмли таниш-билиш орқали 50 грамм гашиш олиб, Андрейга берди. У бу "товар"ни электрон тарозида тортиб кўриб, Ботировга 1 миллион сўм берди.

Шу тариқа савдо-сотиқ бошланди. Ундан кейин 100 грамм 2 миллион сўмга сотилди, кейин яна 50 грамм, яна 100 грамм ва шу каби ўнлаб жиноий эпизодлар...

Табиийки, бу "гашиш" гиёҳвандлик моддасининг Ўзбекистонга кириш манзили Тожикистон эди. Уйғун бу моддани айнан контрабанда усулида айланма йўллар орқали чегарадан олиб ўтмаган бўлса ҳам, шу ҳолатга иштирокчи сифатида Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг тегишли моддаси билан айбдор деб топилди. Бунга эса 10 йилдан 15 йилгача озодликдан маҳрум этиш жазоси белгиланган. У. Ботиров яна гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни кўп миқдорда ноқонуний сотишда ҳам айбли деб топилди. Бу жиноят учун 10 йилдан 20 йилгача озодликдан маҳрум этиш жазоси белгиланган. Жиноят ишлари бўйича Бекобод туман судида ўқилган ҳукмга кўра У. Ботиров узил-кесил 12 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Бундан ташқари, "Ниссан" русумли автомобиль, гарчи у опасининг номига расмийлаштирилган бўлса ҳам, жиноят қуроли сифатида давлат фойдасига мусодара қилинди.

Тўғри йўлдан адашиш, қайф-сафо, бебилиска пул топиш иштиёқи кўрганингиздек, ёшгина бир инсон ҳаётини издан чиқарди...

Туман судида ўқилган иккинчи ҳукм билан эса, бир йўла олти йигит жиноий жазога тортилди. Улардан бирига ахлоқ тузатиш ишлари, қолган беш нафарининг ҳар бирига 10-12 йилга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди. Улар ҳам гашиш савдоси, яъни бировдан олиб, бошқасига сотиш билан шуғулланганлар.

Бекобод тумани Тожикистон билан чегарадош бўлиб, республика ҳудудига гиёҳвандлик моддалари Афғонистондан турли йўллар орқали кириб келаётгани сабабли туман судида бу турдаги жиноят ишларини тез-тез кўришга тўғри келмоқда. Афсуски, баъзи фуқаролар, айниқса, ёшлар бу моддаларнинг чегарадан яширинча ўтиб, республикамизга кириб келишида иштирок этиб, жиноятчи бўлиб қолмоқдалар. Бу ҳаракат бугун бўлмаса, эртага, албатта, қамоқ билан якунланишига ақллари етиб-етмай...

Юқоридаги олти йигит ҳам охирини ўйламай адашганлардан. Масалан, Шерзод Юсупов 2007 йилда, яъни йигирма ёшга тўлиб-тўлмай, қасддан баданга оғир шикаст етказиш билан айбли деб топилиб, судланган ва чин кўнгилдан пушаймон бўлгани муносабати билан жазодан озод этилган эди. Яъни, унинг ёш экани, муқаддам судланмагани, ижобий тавсиянома ва бошқа енгиллаштирувчи ҳолатлар инобатга олиниб, қонун уни кечирганди. Бироқ, у бундан тўғри хулоса чиқармади ва яна жиноят кўчасига кирди. У ноқонуний йўл билан қўлга киритган гашиш моддасини 100 граммини жиноий шериги А. Толиповга 800 минг сўмга сотди. Шунингдек, жиноий шериги М. Холтўраевдан ҳам 50 грамм гашиш олиб, яна ўша А. Толиповга сотди. Кейин у терговда аниқлашнинг имкони бўлмаган "Мўмин" исмли шахс билан танишиб, биргаликда контрабанда йўли билан Тожикистондан олиб кирилган гиёҳвандлик моддалари олди-сотдисини давом эттирган. Жумладан, М. Холтўраев билан "Асрор" исмли номаълум шахсдан 400 грамм гашиш олиб, бошқа бир жиноий шериги К. Қосимовга кейинчалик пулини бериш шарти билан ўтказганлар. К. Қосимов уни ўзи яшайдиган Хос қишлоғилик шахсга 1400 долларга сотиб, "хизмат ҳақи" учун 200 АҚШ доллари олган.

Яна бир судланувчи Шохруҳ Неъматов 2007 йилда, яъни 18 ёшга етмай босқинчиликда айбланиб, вояга етмагани сабабли Амнистия актига кўра жазодан озод этилган. Яъни, мустақил давлатимиз жиноят қонунчилигининг инсонпарварлиги, давлат раҳбариятининг бағрикенглиги, кечиримлилиги туфайли ҳали вояга етмаган ёш йигитнинг тақдирини ўйлаб, у кечирилган. Бироқ, у ҳам Юсуповга ўхшаб, бундан тегишли хулоса чиқармади ва оқибат қаттиқ жазога тортиладиган жиноятга қўл урди.

Бу бир гуруҳ судланувчилар орасида 30 ёшни қоралаган, оилали, муқаддам судланмаган, олий маълумотли Алишер Тошматовнинг борлиги афсусланарлидир. Унинг ўзи гиёҳванд модда истеъмол қилишга ўрганиб қолгани янада ачинарли. Рост, қонунда гиёҳванд моддани ўзи истеъмол қилгани учун жиноий жавобгарлик кўзда тутилмаган. Бироқ, Алишер шахсий истеъмоли учун катта пул ахтариб, бу заҳри қотилни анча миқдорда олди-сотдиси билан ҳам шуғулланганги сабабли ЖКнинг 173-моддаси 5-қисми билан айбдор топилиб, унга ўн йилга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди ва ЖКнинг 96-моддасига асосан озодликдан маҳрум этиш жойларида гиёҳвандликдан мажбурий даволаш чоралари қўлланилиши белгилаб қўйилди.

Инсон зотига берилган умр – бир лаҳзалик. Бир қарашда, айниқса, ёшлар наздида 70-80-90 ёш жуда узоқ туюлади. Лекин кексайганда билинадики, бу муддат жуда тез – кўз очиб-юмгунча ўтиб кетади ғўё. Таниқли ёзувчимизнинг "Икки эшик ораси" номли романи айнан шунга – инсон умрига қиёс қилинган: умр бу эшикдан кириб, нариги эшикдан чиқиб кетгандек гап.

Мустақил давлатимиз, келажаги буюк мамлакатимизда бугунги фаровон ҳаётнинг, дориламон кунларнинг қадрига етиш, илму фанда, спортда, бошқа соҳаларда Ўзбекистонни жаҳонга танитишга ҳисса қўшаётган зукко ва бахтиёр ёшлар билан фахрланиш, улардан ўрнак олиш, эргашиш эса юқоридаги каби иллатларнинг камайишига, барҳам топишига асос бўлади.

Хайрулла РАҲМОНОВ,
жиноят ишлари бўйича Бекобод туман суди раиси.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
e-mail: th.tp@mail.ru

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-56-03, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ
Навбатчи Наргис ҲАСАНОВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма S-3055. Адади 13740. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. *"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй.* Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 21.40.